

УДК: 882.512.133  
КБК 84(5У)6

Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи  
филология фанлари номзоди **Исмоил БЕКЖОЛОВ**

*Шоир ва адабиётшунос Мутрибий Самарқандий ўзининг форс тилида яратган "Тазкират уш-шуаро" асарида XVI аср иккинчи ярми аср бошида Ўрта Осиё ҳамда Афғонистон, Покистон, Хитой, Шарқий Туркистон, Эрон, Туркия, Ироқ, Яман мамлакатларида ижод қилган 340 нафардан зиёд шоирлар ҳақида нодир маълумот берган.*

*Шунингдек, тазкирада мумтоз адабиётнинг айрим назарий асослари, адабий муҳитлар ўртасидаги ижодий алоқалар акс эттирилган.*

*Мутрибий ўзига замондош валийлар, маданий ҳаёт, жумлаан, фан аҳли, таълим масканлари ва мусиқачи, хаттот, наққошларнинг фаолияти ҳақида ҳам сўз юритган.*

*Тазкирада Улуғбек мадрасаси деворига чизилган дунёнинг муҳандислик ихтиролари, айрим тарихий воқеалар ҳақида ҳам маълумот қилинади.*

*Китоб адабиётшунос ва маданият тарихи билан қизиқувчиларга да кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

Мазкур нашр Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон университети Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси қошидаги рақамли "Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқотлари" Гранти доирасида амалга оширилди.

**Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир:**  
Филология фанлари доктори, профессор  
Хамидулла **БОЛТАБОЕВ**

**Тақризчилар:**  
Профессор **Суйиша ҒАНИЕВА**,  
Филология фанлари доктори **Афтондил ЭРКИНОВ**

ISBN 978-9943-398-81-8

© Мутрибий  
© "MUMTOZ" 2018

## МУТРИБИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА

Буюк шоир ва мутафаккир Амир Алишер Навоийнинг тазкирачилик анъанасини Марказий Осиёда муваффақият билан давом эттирган Ҳасанхожа Нисорий Бухорийнинг шогирди Мутрибий Самарқандий томонидан яратилган "Тазкират уш-шуаро" (1605) ва "Нусхайи зебойи Жаҳонгир" (1625-1628) тазкиралари ўзининг юксак адабий-тарихий қийматига эга ёзма манбалардан саналади. Бу тазкираларнинг вужудга келиши XVI аср иккинчи ярми – XVII аср биринчи чорагидаги Ўрта Осиё адабий муҳити катнашчиларининг Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий мактаби анъаналарини давом эттириб, бадиий-ғоявий жиҳатдан етук, ранг-баранг мавзу ва жанрдаги асарлар яратганлари, бу адабий жараённинг бошқа ўлкалар халқлари адабий ҳаёти билан ижодий алоқаларни йўлга қўйгани билан белгиланади.

Айтиш лозимки, ана шу адабий ҳаётни акс эттириш заруратидан келиб чиқиб, мазкур даврда бошқа муаллифлар томонидан ҳам бир нечта тазкира асарлар яратилган бўлиб, улар мавлоно Сайлий, Муҳаммад Содик Болту, амир Кулбобо Кўкалтош ва Бақойи Бухорий-Андижоний қаламига мансуб тазкиралардир.

Мавлоно Сайлий ўз асарини Самарқандда ёза бошлаб, 1598 йилда Кобулда давом эттирган. Аммо уни тугалламай, ўша ерда вафот қилган. Кўп асрлик, жумладан, XVI аср иккинчи ярми давридаги шоирлар ҳаёти ва ижодига доир фактик маълумотларни ўз ичига олган бу тазкиранинг сўнгги қисмати ҳозирча илм аҳлига номаълум.

Амир Кулбобо Кўкалтош эса ўз асарини Алишер Навоийнинг "Ҳақолис ун-нафоис"ига эргашиб ўзбек тилида ёзган. Бироқ муаллиф 1599 йилда Абдулмўминхон томонидан ўлдирилгач, унинг тазкираси тақдири ҳам ҳалигача номаълум қолмоқда.

Самарқандлик Мулло Содик Болту ҳам 1604 йили форс тилида "Тазкират уш-шуаро" номли тазкира яратгани маълум аса-да, аммо бу тазкира ҳам ҳозиргача топилмаган.

Хирот ҳокими амир Кулбобо Кўкалтош 1598 йилда Абдуллоҳхон топшириғи билан озоқ юришида катнашиш учун Хиротдан Самарқандга келган эди. Аммо ўша йил 8 февралда хон тўсатдан вафот қилиб, Абдулмўминхондан ҳавфи бор амир маҳфий равишда Хиротга кочади. Бироқ эҳтиёсизлик натижасида, Балхда ўлиб қолган Абдулмўминхоннинг қўлига тушиб, бўлғуси хон уни Самарқандга қайтариб келди ва ўша йил ёзида ўғиллари билан бирга қатл эттиради.



Мавлоно Бақонийнинг 1582 йили Андижонда ёзила бошлаб, 1595-1597 йилларда Ҳиндистонда якунига етган “Мажмаъ ул-фузало” номли тазкираси бизгача етиб келган бўлиб, унинг ягона қўлёзма нусхаси Лоҳўр университети кутубхонасида сақланади. Ҳиндистонлик, покистонлик, афғонистонлик ва эронлик олимлар “Мажмаъ ул-фузало” ҳақида фикр билдириб, асардаги айрим маълумотлардан фойдаланган бўлсалар-да, асар махсус тадқиқ қилинмаган ва нашр ҳам этилмаган.

Мутрибий 1556 йил 9 декабрида Самарқанд шаҳрида туркий қавмнинг *арғун* уруғига мансуб знёлилар оиласида дунёга келган<sup>2</sup>. Унинг Хожа Авлиёни лақабли катта бобоси Улуғбек Мирзо саройидаги хос ибодатгоҳ мутасаддиси бўлган. Мутрибийнинг 100 ёш умр кўрган бобоси Малик Арғун ва отаси, амакиси ҳам шайбонийлар сулоласидан Абдуллатиф ва Абусаид бин Кўчкинчихон Самарқандда маданият ва шеърият аҳли иштирокида ўтказиб турган йилнинг, мушоираларда фаол қатнашганлар. Тазкиранависнинг она томондан буваси бутов кўр киши бўлишига қарамай, Басирий тахаллуси билан гўзал шеърлар битган. Мутрибийнинг онаси ҳам ўқимишли аёл бўлган.

Афсуски, муаллиф ҳеч бир ерда ўз исми ёки отаси ва амакиси номини кўрсатмаган. Албатта бу борада олимларимиз айрим фикрларни илгари суришди. Мутрибийнинг ягона нусхада етиб келган “Тазкират уш-шуаро” асарининг қўлёзма нусхаси хушнавис тазкиранависнинг ўзи томонидан китобат қилинган. Шунингдек, Мутрибийнинг хабар беришича, у Бухоро ва Самарқандда кўплаб китобларни кўчирган. Шу сабабли В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев каби олимлар XVI асрда Бухорода кўчирилган бир қўлёзма нусха охирида хаттот номи “Султон Муҳаммад Ноний Мутрибий Самарқандий” дея қайд этилганидан келиб чиқиб, Мутрибий исми Самарқандий шаклида кўрсатганлар<sup>3</sup>. Шу фикрга суянган эронлик олим А.А.Марвдаштий ва С.А.Мўъжоний ҳам “Тазкират уш-шуаро”, “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”нинг Эрон нашрларида Мутрибий номини Султон Муҳаммад шаклида тилга олишган.

<sup>2</sup> Ушбу ўриндаги Мутрибийнинг ҳаёт йўли ва бошқа маълумотлар тахлиси ҳар икки тазкира бўйича амалга ошган махсус изланишимиз хулосаси бўлиб, бу тадқиқий жараҳат “Мутрибий тазкиралари – муҳим адабий манба” (Тошкент, MUMTOZ SO‘Z, 2009) номли монографиямида ахс эттирилган.

<sup>3</sup> Абдуллаев В., Валихўжаев Б., Мутрибий ҳақида янги маълумотлар // Ўзбек тили адабиёти. – Тошкент, 1978. – №4. – Б.:25-29.

Мутрибий таржимаи холига доир маълумотлардан яна бири шуки, унинг Муҳаммад Али ва Шох Али исмли фарзандлари бўлиб, улар Голиб, Маънос тахаллуси билан шеърлар ёзишган. Бу иккала фарзанд отасининг 1624-1625 йилги Балх, Бадахшон, Толиқон, Давлатобод, Қундуз вилоятларига қилган сафариди ҳамроҳлик қилишган. Муҳаммад Али отаси билан Ҳиндистонга ҳам бориб келган. Шох Али эса Мутрибийнинг шоир дўсти Ашкий Самарқандийнинг куёви экан.

Мутрибий кичик ёшидан бошланғич мактабга борган, 1565-1570 йиллари ўз шаҳридаги ўрта ва махсус таълим берувчи Мирзо Улуғбек мадрасасига қатнаб, машҳур олим Исматуллоҳ Охунддан Жомийнинг араб тили грамматикасига доир “Фавоиди Зиёя” шарҳ-рисоласи, Саъдиддин Тафтазоний<sup>4</sup>нинг диний-арабий назмларни ўрганишга оид илми баён, илми маоний ва илми бадий соҳаларини ўз ичига олган “Мутаввал” китоби, “Шамсия” номли илмий шарҳи ҳамда Марғиноийнинг шарият қонунлари бўйича ёзилган “Ҳидоя”, шунингдек, “Мишкот” ва фикҳ соҳасига тааллуқли илмларни ўрганган. Мирзо Улуғбек қурдирган Муқаттаъ масжидида Назрий Бадахшонийдан илми ҳақиқия ва илоҳияни, Муҳаммад Амин Бухорийдан Қуръон тиловати қондаларини ўзлаштирган.

Мутрибийнинг бу соҳалар бўйича мақсадли ва изчил таълим олиши ота-онаси уни келажакда қози ёки фатво берувчи муфти каби мансаблар учун тайёрлаганидан дарак беради. Аммо Мутрибий бу соҳада фақат бир оз муддат Самарқанддаги мазоротлар мутаваллиси лавозимида ишлаган, холос. Мутрибий Мирзо Улуғбек мадрасасида астрономия, жуғрофия, тарих фанларидан ҳам билим олган. У кейинчалик Эрондан келиб, 1582-1584 йиллари Бухородаги Абдуллоҳхон мадрасасида маърузалар ўқиган “муллои нав” лақабли файласуф Мирзожон Шерозийнинг дарсларида ҳам қатнашган.

Болаликдан шеърлар ёза бошлаган Мутрибий адабиёт назарияси бўйича дастлабки сабоқни Самарқанддаги Амир Шохмалик мадрасасида мавлоно Қосим Румийдан ўрганади. Мутрибий кейинча-

<sup>4</sup> Саъдиддин бин Умар ат-Тафтазоний 1322 йил 19 февраль – 19 март оралиғида Нисога қарашли Тафтазон қишлоғида дунёга келган. У “Мутаввал” асарини ўша ер ҳокими Муъизиддин Хусайн Қарта бағишлаб ёзган. Амир Темур Хоразмни истило қилганида, олим Хоразмда эди. Сал ўтиб, соҳибқирон уни Сарахсан Самарқандга чақириб олади. Саъдиддин Тафтазоний 1395 йили Сарахсада вафот этган. Бу ҳақда яна қаранг: Хондамир. Ҳабиб ус-сийар. И.Бекжонов, Ж.Ҳазратқулов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013.; Д.Юсупова. К вопросу о творческой деятельности ученого-энциклопедиста Саъдиддина ат-Тафтазани. – Ташкент: Sharqshunoslik. №13/2008. С.: 69 – 76.



лик шоир Ҳофиз Муқимий Самарқандий маслаҳатига биноан 1588-1594 йиллар мобайнида Бухорода Ҳасанхожа Нисорийдан аруз ва кофия фанларидан маҳсуе таълим олади.

Мутрибий мусика, хаттоғлик санъатларида ҳам ўз истеъдодини таниқли устозлар хузурида муқамаллик даражасига етказди. Мутрибийнинг мусикада туғма истеъдод эгаси бўлганини унинг 12-15 яшарлигида ёзган илк шеърларида “Мутрибий” тахаллусини қўллай бошлаганидан ҳам билиш мумкин.

Мутрибий 1588-1592 йиллари Бухорога қатнаб, машҳур мусикачи ва бастакор Али Дўст Нойидан бир неча йил давомида най чалиш сирларини ўрганади. Турли даврларда Камолiddин Ҳофиздан қонуқ, сатор, доира ва найда чалинадиган ҳамда Юмлий Миёноклий, Зирихий Туркистонийдан ўн икки мақомнинг бир нечта катта куйларини ўзлаштиради.

Мутрибий хуснихат ва китобат санъатига доир тазҳиб – қоғозга олтин суви югуртириш каби соҳаларни яхши билгани туфайли Файзий, Даканий, Урфий Шерозий, Фузулий ва бошқа шоирлар асарларидан ўнлаб нусхалар кўчириб ёзиб, уларнинг лавҳ, тазҳиб каби китобат ишларини амалга оширган ва шунинг орқасидан тиркичилик ҳам қилган. Унинг бу соҳадаги устозларидан бири Рустам Наққош номли мусаввир бўлган.

Мутрибий шайбоний ва аштархонийлар даврида давлат ишларига жалб этилиб, Самарқанд ҳокимлари Ҳожибий Оталиқ Дўрмон, амир Муҳаммад Бокибий Девон Дўрмон, Низомиддин Ҳожибий Оталиқ Кушчи, Надр Девонбеги ҳамда Абдуллоҳхоннинг амири Қулбобо Кўкалтош ва Имомқулихон даврининг садри аъзами Хожа Зайниддин Муҳаммад Нақшбандий, Имомқулихон давлатининг таниқли арбоби Ёдгор Қўрчи ёнида идора юмушлари, Самарқанд мазороти мутаваллиси вазифаларини бажарган. У Балх ва Бухоро шаҳарларида ҳам маърифий-маданий ишларга бош-қош бўлган. Айниқса, аштархоний Имомқулихон хузурида маданият арбоби ва шоир сифатида катта обрўга эга эди.

Мутрибий 1626 йилнинг баҳорида Ҳиндистон сафарига чиқиб, 1626 йилнинг декабридан 1627 йил марти охиригача Лохўрда Жаҳонгир подшоҳ хузурида бўлади ва ўша йили яна Балх орқали Бухоро ва Самарқандга қайтиб келади. Муаллифнинг “Нусхайи зеб-бойи Жаҳонгир” тазкираси ўша муносабат билан ёзилган.

Мутрибий вафот этган йил ҳақида ҳозирча қўлимизда аниқ маълумот йўқ. Айрим олимлар унинг 1630 йил ёки 1650 йилда вафот этганини тахмин қилишади.

Мутрибий “Тазкират уш-шуаро” асарини 1603-1605 йиллар орасида Самарқанд шаҳрида ёзиб, уни ўша пайтдаги бош хон Бокий Муҳаммадга бағишламоқчи бўлган. Бироқ бу аштархоний хон ҳижрий 1013 йил зулҳижжа (1605 йил апрель) ойида вафот этиб, 1014 йил 20 муҳаррам (1605 йил 13 июнь) ойида унинг ўрнига Балх ҳокими, яъни хоннинг валиаҳд укаси Вали Муҳаммадхон Бухорода бош хонлик тахтига ўтиради.

Мутрибий гарчи тазкиранинг бошидан-охиригача Бокий Муҳаммадхонни бош хон сифатида тилга олган эса-да, аммо бу ҳукмдор тазкира ёзиб тугалланмасдан бурун вафот этгач, унинг ўрнига Вали Муҳаммадхон хонлик тахтига ўтиргани учун асарни янги хонга бағишлаш масаласи юзага келиб, муаллиф тайёр бўлган қўлёзма нусхани ўзгартира олмай, ўз ҳолича қолган китобнинг фақат бағишлов қисмидагина собиқ бош хон номи ўрнига Вали Муҳаммадхон исмини ёзиб қўяди ва китобни 1605 йил июль – август ойида Вали Муҳаммадхонга тухфа қилади. Тазкиранинг Мутрибий дастхати билан кўчирилган ана шу қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, ҳозирча дунёдаги ягона ҳисобланган бу қўлёзма асар ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида 2253 рақами остида сақланади.<sup>5</sup>

Асар анъанага кўра ҳамд, наът билан бошланиб, сўнг тазкиранинг ёзилиш сабаби ва Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Ҳасанхожа Нисорий каби салафлар номи кўрсатилгач, Абулғози Вали Муҳаммад Баҳодирхонга аталган бағишлов мадҳи келади. Шундан кейин тазкира тузилиши баёнига кириштириб, унинг *Тасмия* фасли ва *Тасмия* таркибига кирган *Исм* деб аталувчи учта боб сарлавҳаси мазмуни тилга олинади. *Тасмия*нинг учта “Исм”ида шеър ёзган шайбоний, аштархоний ва бобурий, бадахшонлик темурий ҳамда шарқий туркистонлик, хоразмлик хону султон, подшоҳлар ҳақидаги маълумотлар берилган. Қолган боблар “абжад” алифбоси тартибида тузилган бўлиб, бундай боблар *Ҳарф* ва ҳар бир *Ҳарф* эса *Нукта* деб аталувчи учта қисми ўз ичига олгани таъкидланади. Бу сингари тартиб орқали биз Мутрибийнинг қайси ҳукмдор ва шоирни ҳам кўрган, ҳам суҳбатлашгани ёки ҳам кўргану аммо суҳбатлашмагани ёки умуман кўрмай, улар ҳақидаги маълумотларни бошқалар воситасида қўлга киритганини билиб оламиз.

“Тазкират уш-шуаро” маълумотлари бизга Ўрта Осиё алабий муҳитининг Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Туркия, Ирок, Яман ўлкаларида ижод қилган шоирлар билан

<sup>5</sup> СВР АН УЗССР. 1-том. – Ташкент: Фан, 1952. – С.130-131.



адабий алоқалари, ўзаро ижодий таъсир масалалари борасида ҳам аниқ материаллар беради.

Муаллиф бундай фактик маълумотлар билан бирга ўқувчини панд-насихатга оид дидактик ҳикоят, ривоят ва латифа ҳамда адабий қимматга эга бўлган айрим тарихий воқеаларни ҳавола этган. Тазкира қўлёзмаси орқали бизга 343 нафар шоир ҳақидаги маълумот етиб келган бўлиб, қўлёзма нусхадан қачондир бир нечта варақ йиртиб олингани оқибатида маълумот йўқолиши рўй берганини ҳисобга олсак, муаллиф бу асарида 350 нафардан зиёд шоир ҳаёти ва ижоди борасида сўз юритгани англашинади.

Ҳозирча қўлимизда бор маълумотларга кўра, биз Мутрибий номи тилга олинган ва “Тазкират уш-шуаро” маълумотларидан фойдаланиб, иқтибослар келтирган илк асарлар сифатида Мутрибийнинг кичик замондоши Шарафиддин Роқим Самарқандийнинг (туғ.1628) “Тарихи Роқим” (1680), кейингиларидан эронлик Ризоқулихон Ҳидоятнинг (1800-1871) “Мажмаъ ул-фусаҳо”, Шамсиддин Сомийбекнинг “Қомус ул-аълום” (1896), бухоролик Неъматуллох Муҳтарамнинг (в. 1920) “Радоиф ул-ашъор”, Бухоро шахзодаси Саййид Мир Сиддиқ-Ҳашматнинг (в. 1925) “Тазкират уш-шуаро”, “Номаи хусравон”, С.Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик” (Москва, 1926) тазкираларини айта оламиз. Шунингдек, тожик олимлари А.Мирзоев, У.Назирова, У.Каримов, ўзбек адабиётшунос, тарихшунос ва санъатшунос олимлари Б.Валихўжаев, Р.Муқимов, В.Абдуллаев, А.Иброҳимов, Б.Аҳмедов, И.Бекжонов, чех олимлари Ян Рипка, И.Бечка, эронлик Г.Маоний, С.Нафисий, З.Сафо, А.Мунзавий ҳамда М.Х.Бехруз, Б.В.Норик каби олимлар Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро”си ҳақида махсус мақолалар яратдилар ва ўз илмий ишларида қимматли фикрлар билдирдилар.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Эронда нашр этилган қомус, дарсликларда “Тазкират уш-шуаро” ҳақида маълумотномалар эълон қилинди.<sup>6</sup>

“Тазкират уш-шуаро” илк бор ушбу сатрлар муаллифи томонидан махсус қамровли илмий тадқиқот доирасига тортилиб, бу докторлик монографиясида тазкиранинг адабий-тарихий аҳамияти кўрсатиб берилди.<sup>7</sup>

<sup>6</sup> Қаранг: И. Бекжонов. Мутрибий ижодининг ўрганилиши // *Sharqshunoslik*. № 13 / 2008.  
<sup>7</sup> Бекжонов И. Мутрибий тазкиралари – муҳим адабий манба. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2009.

“Тазкират уш-шуаро” ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланувчи 2253 рақамли қўлёзма нусхадан тожикистонлик А.Жонфидо кўчириб ёзган қўлёзма асосида шу олим ва эронлик адабиётшунос А.Марвдаштий томонидан 1999 йили “Мероси мактуб” матбаа-ташкilotига қарашли “Ойинаи мерос” нашриётида кириш сўзи, изоҳ ва кўрсаткичлар билан чоп этилди.

Мутрибийнинг адабиётшуносликка оид мазкур иккита тазкираси билан бирга унинг ана шу адабий манбалари ичида етиб келган шеърий асарларидан бошқа илмий ёки бадиий мероси қўлимизда мавжуд эмас. Шунингдек, туркий қавмнинг *арғун* уруғига мансуб бўлган Мутрибий машҳур озарбойжон шоири Фузулий Бағдодий ҳамда Ҳасанхожа Нисорий, Абдуллохон II, Самарқанд ва Балхда яшаган ўзбек амирлари Дўст Вафобий Дўрмон-Вафоний, Фарход Тома, шарқий туркистонлик Сунъий Хитой каби шоирларнинг ўзбекча асарларидан намуналар ҳавола этаркан, бироқ улар орасида Мутрибийнинг ўзбек тилидаги меросидан биронта асар учрамади. Аммо Мутрибийнинг ўзбек тилида ҳам ижод этгани аниқ.


Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро”, “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкираларининг Хотима қисмида тарқок ҳолда келган лирик мероси илк бор эронлик олим А.Марвдаштий томонидан бир ерга жамланиб ва алоҳида мавзуларга ажратилган ҳолда “Тазкират уш-шуаро”нинг Техрон нашрида кўрсатиб берилди. Улар орасида Мутрибийнинг форс тилидаги 52 та *такбайт*, 30 та *рубойи* ва *таърих* жанридаги 1 *қитъа* ҳамда 1 та *бешибайт*, 2 та *учбайт*, 17 та *газал*, мадҳга оид 1 та *иккибайтлик*, 2 та *тўртбайтлик* китъа, 1 та *мушажжасар* (дарахт шаклидаги) *газал*, 1 та ўн икки байтлик форсча ва 1 та ўн беш байтлик арабча *қасида*, 1 та олтмиш уч мисралик ва 1 йиғирма уч мисралик *мухаммас*, 1 та олтмиш уч байтлик *мусаммат қасида*, 1 та ўттиз бир байтлик *мусаммат марсия-қасидаси* ўрин олган.

“Нусхайи зебойи Жаҳонгир”да ҳам Мутрибийнинг талайгина *қасида*, *газал*, *рубойи*, *таърих*, *қитъа*, *тақриб*, *фард*, *мисраъ* жанрига тааллуқли лирик мероси мавжуд.

Мутрибий тазкиралари бошқа тилларга таржима қилинган эмас. Ушбу ўзбек тилига илк таржима эса тазкиранинг муаллиф қўли билан китобат қилинган ҳозирча дунёда ягона Тошкент қўлёзма нусхаси асосида тўла равишда амалга оширилди.

**Исмоил БЕКЖОНОВ,**  
**филология фанлари номзоди**





### [МУҚАДДИМА]

Маърифат ва ҳикматнинг латиф саҳифаларини битгивчи котиблар, саховат ва қарам сарлавҳасини безовчи наққошларнинг қудсий руҳлар лавҳи ичра ва инсоний ҳаёт варақлари узра тил қалами ва қалам тили билан анинг номига рақам қилиб ёзган барча ҳамдлар ҳамда саховат қорхонаси муҳандислари ва яхши тилаклар уйи муассисларининг ҳеч бир камчиликсиз яратилган етти қават очундаги еру кўкнинг бузилмас пойдеворининг бунёдкори шаънига ҳайрат ила айтган саноларнинг ҳаммаси улуғлигининг Семурғ қуши яралиш ошиёнасига сиғмайдиган Вожибу-л-вужуд (ўлмас) зотнинг саройига нисор, илм меъёри ва ақл тарозуси зоти буюқлиги ва сифоти етуқлигини ўлчай олмайдиган Боситу-л-жуд (саховат ёйғувчи)нинг даргоҳига ийсор<sup>8</sup> у садақа бўлсин.

#### Назм:

Субҳона ма таҳаййара фи зотихи саввоҳ,  
Фаҳми хирад ба қунҳи камолаш набурда роҳ.

<sup>8</sup> Ийсор – тортик, бағишлов, садақа.

#### Мазмуни:

Зотини англай олмай ҳайратга солувчи бир пок,  
Йўл топа олмас моҳиятин билгали ақлу идрок.

Мушки анбар тароватли насими жаннат боғининг муаттар исли шабадасини жон димоғи ва жонланиш мақоми сари элтгивчи эзгуга тўла салому салотларнинг энг нафосатлиси, чакмоқлари чақини шуъласи худди сайёралар подшоҳи<sup>9</sup> нурлари еру кўк юзини ёритганидек, якдиллик аҳли маконлари ҳақиқатларининг ботиний кенгликларини чароғон этгивчи баракатли табригу таҳийёт<sup>10</sup> ларнинг ўта шарофатлиси дилу жонимиз кўридан, руҳу равонимиз тўридан пайғамбарлик ва набийлик дорулмулки султони, етуқлик ва саховат тахтининг олий шаҳаншоҳи, “Аллоҳ ўз бандасига туширган ваҳийни келтиради<sup>11</sup>” сир-асрорининг ишончли вакили, “Қуръон фақат (пайғамбарга) туширилган ваҳийдир<sup>12</sup>” сўзларининг шакар чайновчи тўтиси, “Ва ўз хоҳиши билан сўзламас<sup>13</sup>” хушнаво булбул, фасохат<sup>14</sup> йиғинида “ана афсаҳ (мен фасохатлироқман)<sup>15</sup>” деб дам урган фасих тилли сўзамол, “ана омал эъжоз ва иқтидор (мен ожизлар ва кучлилар орзу-умиди)<sup>16</sup>” ҳикмати билан сўзда чечанлик ўрмони шерлари оғзига ожизлик ва нотавонлик муҳрини босган, “ана амлаҳ (мен малоҳат<sup>17</sup> лироқман)<sup>18</sup>” даъвосини қилиб, Юсуфнинг ҳусни жамоли ва хублар яхшиси ҳақидаги ҳикоятни унутилиш қудуғига ташлаган малиҳбаён<sup>19</sup>, яъни Муҳаммад Мустафо – *унга саловотларнинг энг афзали ва олқишларнинг энг ақмали* – равзасига тухфа ва пок қабрига ҳадя бўлсин.

#### Назм:

Зи нури ҳусни руҳаш партаве ба Юсуф тофт,  
Ба Миср хубе аз он мансаби азизий ёфт.

<sup>9</sup> Сайёралар подшоҳи – қуёш кўзда тугилмоқда.

<sup>10</sup> Таҳийёт – табрик.

<sup>11</sup> Қуръони қарим, Нажм (53) сураси, 10-оят.

<sup>12</sup> Қуръони қарим, Нажм (53) сураси, 2-оят.

<sup>13</sup> Қуръони қарим, Нажм (53) сураси, 2-оят.

<sup>14</sup> Фасохат – чиройли сўзлик, сўзамоллик, чечанлик; фасих – чиройли сўз киши.

<sup>15</sup> Пайғамбар (с.а.в.)нинг “мен араб шоирлари ичида энг фасохатлисиман” деган ҳадисига ишора.

<sup>16</sup> Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисига ишора.

<sup>17</sup> Малоҳат – чирой, яхши ҳусн, тароват.

<sup>18</sup> Пайғамбар (с.а.в.)нинг “биродарим Юсуф а.с. ҳуснда чиройли, аммо мен малоҳатлиман” деган ҳадисига ишора.

<sup>19</sup> Малиҳбаён – чиройли сўзли.



Чу шуд мусаххар сейти жамоли у офок,  
Хадиси Юсуфу хуснаш ба чохи гарб шитофт.

*Мазмуни:*

Хусни нуридан бир шуъла Юсуф сари инди,  
Мисрада шундан у азизлик тахтига минди.  
Жахонни забт этгач, жамолининг васфи тамом  
Юсуфу хусни қиссасининг гавғоси тинди.

Шунингдек, ул зотнинг оила аъзолари ҳамда ўзининг вужуди чиройи ва гувоҳлиги нури билан мунаввар шарият қасри ва оидин миллатнинг баланд мақомига зийнат ва орасталик бахш этган, тенгсиз уринишлари шарофати ила дини мубин майдони, мустақкам шарият йўллариши ширкнинг катта хавфи бидъат ва жаҳолатнинг ифлос хас-хашагидан тозаллаган азизлар, яъни пайгамбарнинг яқин дўстлари, ҳаммаслаклари ва издошларига – *Аллоҳи таоло жойларини жаннатдан қилсин* – сон-саноксиз олқишлар ва ҳисобсиз мактовлар бўлсин.

**Аммо баъд:** Кўрар кўз аҳллариининг оламини безовчи ақллари ва яширин сир англовчиларнинг тутунларни ечувчи кўнгилларига қуёшдек равшан, димоғларига мушки нобдек муаттар бўлсинким, Куръони мажид оятлари қироати ва фуққони ҳамиднинг сафҳалари тиловати ҳамда набавий ҳадислар мутолааси ва мустафавий – *унга Аллоҳнинг салоти ва салоти* – ҳужжатларнинг мулоҳазасидан сўнг кўзларга нур, дилларга сурур бағишловчи энг яхши баён ва энг нақшли далил – “Илоҳий арш остидаги хазиналар калити шоирларнинг тилидир” мазмунига кўра – донг таратган сўзамоллар ва олий мақомли шоирларнинг синовдан ўтган сўзлари ва барчага маъқул гапларидир.

Шунинг учун ҳам ҳар асрда даҳр фозилларидан бирортаси бу азиз доврुकли тоифанинг машхур исмларини тасниф доирасига киритиб, уларнинг дур сочувчи шеърлари ва шакар тотли гуфторини битик силкига тизиб, ўзларидан бирор асарни рўзгор саҳифасида ёдгор қолдирганлар.

Ва ана шундай эътиборли китоблар жумласидан бири қалби хамиша уйғок Давлатшоҳ [Самарқандий] тазкираси бўлиб, ундан сўнг алисийратлик амири кабир Алишернинг “Мажолису-н-нафоис”идир. Яна бири Аллоҳнинг раҳмат олами денгизига фарқ бўлган маҳдумимиз ва устодимиз ҳазрат Ҳасанхожа Нисорий Бухорийнинг – *сирлари муқаддас бўлсин* – “Музаққир аҳбоб”

номли олий баёнли китоби турур. “Китобларнинг энг сараси” дейишга муносиб бул асарнинг ясанган келинчақлари етук васфига инсоф кўзи билан назар қилганлар, албатта, улар шаънида келмиш “адикка мин насиму-л-вирд фи-с-саҳар” (саҳар чоғи гул нафаси но-зиклашди) ҳикматининг иборатлари хазинасини кўрадилар ва улар далилида энмиш “аҳсана мин аз-заҳр габбу-л-матар” (ёмғирдан сўнг чечак чандон гўзаллашди) таърифининг ишоратлари ганжинларини топадилар.

Яхшилар равишига эргашмоқ савобли иш дейдилар. Шул сабаб бу гуноҳларга тўла йўқсил камина имкон доирасида замондош шоирлар ва фозилларнинг атоқли отларини битик қайдига киритмоққа уриниб, уларнинг салим<sup>20</sup> таълари фикрларининг нодир маҳсули ва мустақим<sup>21</sup> зеҳилари натижаларига тартиб либоси ва илоҳот кийимини кийдириб, ҳар соҳада мос оятлари хадислар ва ҳикоятлар ҳамда турли-туман ажиб ихтироъ ишлар ва бадий усуллар қўллаб, бошланишининг таровати ва якунланишининг уфоридан латофат ва малохат насими уфуриб турувчи, баланд мақоми устунларининг матлаъ (боши) ва мақтаъси (туташи)дан калб осмони уфқда дилпазир (кўнгилга ёқар) маънолар қуёши чарақлаб турувчи бир китоб яратдим.

**Назм:**

Суханхо ки чун ганж оканда буд,  
Ба ҳар нусхае дурр пароканда буд.  
Зи ҳар нусха бардоштаму, ояҳо  
Бар у бастам аз фикр пирояҳо.  
Гўзидам зи ҳар номае нағзи у,  
Зи ҳар пуст бардоштам мағзи у.

*Мазмуни:*

Сўзлар ганж каби сайқал тошган эди,  
Дурдек ҳар ён сочилиб ётган эди.  
Оятлар кўшиб, айладим уларни жам,  
Безадим фикр маржонлари билан ҳам.  
Ҳар китобдан фақат гўзалин танладим,  
Данагидан ажратиб, мағзин жамладим.

Ва уни фирдавсмонанд Самарқанд дор-у-л-мулкининг номини улуғлаётган чуқур илмли мўътабар олимлар ва доно фозилларнинг

<sup>20</sup> *Салим* – соғлом.

<sup>21</sup> *Мустақим* – тўғри (бу ерда: ўткир).



кимийёасар назарларига етказиб, ибораларини тузатиш ва истиораларини тўғрилатишга тиришиб-тортишиб, ниҳоят, мақбуллик либосини кийдиришга эришдим, токим бу асаримиз фазилат ва аслзодаликда, хуштаблик ва суханшуносликда тожу нигин<sup>22</sup>ни шарофатлантирувчи ҳамда ер юзидаги султон ва хоқонларнинг боши бўлган бир олий мақомли шахриёрнинг шариф мажлиси ва латиф маҳфил<sup>23</sup>нга муносиб совға бўлгай.

Бу халқпарвар жаҳонбахш<sup>24</sup> жавонбахт<sup>25</sup>, оламни безовчи ҳукмдор, подшоҳлик садафининг дури, шоҳаншоҳлик узугининг қошнингини, Аллоҳ ҳимоясидаги подшоҳлик хонадони ифтихори, олимлар ва солиҳларга қувват бергувчи, шоир ва фозилларга тарбиятлар кўргазувчи,

**Рубоний:**

Шоҳе ки замона тобеъи давлати уст,  
Офок гирифтаи сар ба сар ҳашмати уст.  
Бар авжи сепеҳр нури моҳу хуршид  
Аз қуббаи чатри осмон рафъати уст.

**Мазмуни:**

Бир шоҳким, замона тобеъдир давлатига,  
Бутун олам бош эгмиш шоҳлик савлатига.  
Фалак авжида ой, куёш нури таралмиш,  
Суяниб осмонўпар чатр<sup>26</sup>и шавкатига –

одил хоқон ва шон-шавкатли хон, замон султонларининг шижоатлиси, даврон хоқонларининг адолатлиси, иймон аҳлининг ҳомийси, зулм ва туғён аломатини йўқ қилувчи, тинчлик ва осойишталик палосини тўшовчи, Аллоҳ подшоҳлиги фармонларини тасдиқловчи **ал-хоқон бин ал-хоқон бин ал-хоқон Абулғози Вали Мухаммад Баҳодирхон<sup>27</sup>** – *илоҳим барча ислом аҳли узра олий шавкати соясини мангу қилсин ва турли халқлар орасида соф сифат баракатлари шарафини абадий тутсин* – бўладилар.

<sup>22</sup> *Нигин* – узук кўзи. Бу ерда Сулаймон пайғамбарнинг узуги кудратига ишора.

<sup>23</sup> *Маҳфил* – йиғин, ўтириш.

<sup>24</sup> *Жаҳонбахш* – бошқа ҳокимларга юртлар улашувчи.

<sup>25</sup> *Жавонбахт* – бахти эндигина очилган, навкирон бахтли.

<sup>26</sup> *Чатр* – соябон. Соябон, ноқора, туғ (байроқ) кабилар давлат рамзи ҳисобланган. Бу ерда шунга ишора.

<sup>27</sup> Ҳижрий 1013 йил охири (1605 йил апрели)да аштархоний ҳукмдор Боқий Мухаммадхон вафот этгач, 1014 йил муҳаррами (1605 йил май-июни)да шайбоний ва аштархонийлар даврида валлиаҳдлар шахри саналган Балхдан келиб, Бухорода акаси ўрнига бош хонлик тахтига чиққан Вали Мухаммадхон (в. 1611 й.) кўзда тутилмоқда.

Иккиламчи, фасих тилли сўзамолларнинг куёшдек пок дили ва соф кўнгилларида яширин ва бекитикли эмаским...<sup>28</sup> унинг исми билан зийнат топган ушбу ўхшаши йўқ тенгсиз китобни ул шахриёрнинг атокли оти ва донгдор номига бағишладим – *Парвардигор бу шаҳаншоҳлик осмони офтоби ва Худонинг ердаги ўринбосари давлати соясини кўп йиллар ва чексиз асрлар давомида олам аҳли узра мангу ва қуюқ сақласин!*

**Назм:**

Ё раб, ин шахриёри одилро  
Дар жаҳон умри жовидонаш дех!  
Ҳар чи аз ҳузрати ту меҳоҳад  
Ба ҳадди у чист, ҳамонаш дех.

**Мазмуни:**

Ё раб, бу шахриёри одилга  
Умри абад бергил жаҳон аро.  
Даргоҳингдан бўлса не тилаги,  
Йўқ дема, истаганча қил адо.

**Назм:**

Сулаймоне ки пеши тахти у шоҳон камар баста,  
Чу муронанд пеши пояйи тахти Сулаймоний.  
Саховат бин ва ободонийи адлаш ки дар олам  
Гадоён баҳри ганжи худ намиёбанд вайроний.  
Чу арзанда ба давлат буд ин хоқони Жам ҳашмат,  
Аз он ру дар замони у ба олам гашт арзоний.

**Мазмуни:**

Бир Сулаймондир, шоҳлар турар камарбаста  
Тахти ёнида чумолилардек бир сафда.  
Саховатин кўр, адолатидан юрт обод,  
Ганжин яширмоққа гадолар топмас вайрона битта.  
Чун лойиқ келди давлатга бу Жам<sup>29</sup>дек хоқон,  
Арзонлик андин, турмуш кечар фароғатда.

Тангрига олқишларким, буюк яратгувчи бу хусрави соҳибкирон ва подшоҳи Сулаймонмаконнинг бахтга ёр замонида балоларни дафъ қилиб, оламни унинг адолат булути томчиларидан шу даража сероб айлаганки, барча халойиқ шод ва ташвишсиз, бойлик ва фаровонликда яшамокдалар.

<sup>28</sup> Қўлёзма саҳифасининг шу еридан бир нечта сўзлар устига таъмир қоғози ёпиштирилиб, матнда ноқислик вужудга келиб қолган.

<sup>29</sup> Афсонавий Эрон подшоҳи Жамшид кўзда тутилмоқда.



**Шеър:**

Гар аз фитна ояд касс дар панох  
Надорад жуз ин кишвар оромгох.  
Сазад гар банозам ба давраш чунон  
Ки, Сайид зи даврони Нўширвон.

**Мазмуни:**

Фитнага учраб, истаса биров панох,  
Топа олмас бу ўлкадан ўзга оромгох.  
Мақтасам арзир мен бу бахтли замонни  
Сайид мактагандек даври Нўширвон<sup>30</sup> ни.

Шундан сўнг маъно пойдеворининг муҳандислари ва суҳандонлик мадрасалари мударрисларининг кимийасар мунаввар кўнгилларига маълум бўлсинким, бул латиф саҳифа ва номдор сафина<sup>31</sup> уининг пойдевори **Тасмия**<sup>32</sup> ва алифбо тартибидаги “*ابجد؛ هوز؛ حطی؛* “аб-жад”, “ҳавваз”, “хўттий”дан то ушбу тартибни охирига етказувчи *ضطغلا* “заззагло” сўзигача бўлган усулда тузилди<sup>33</sup>.

**Тасмия** мамлакат олмоқ мартабаси ва юрт бошқармоқ рутбаси улугворлигига қарамасдан, маънолар ўлкаси ва сўзамоллик майдонида фасоҳат байроғи ва потиқлик туғининг санжоғини ҳилпиратган мақсади ҳосил хоқонлар ҳамда номи машҳур султонлар зикрида бўлиб, у уч исмдан иборатдир.

**Биринчи Исм** ушбу сатрлар муаллифи уларни кўрган, хизматларига етишиш иззати билан эъзоз топган подшоҳларнинг ҳумоюн мактови ва бахтиёр васфлари баёнида.

<sup>30</sup> Бу тўртлик Саъдий Шерозийнинг Пайгамбар (с.а.в.) ҳадиси бўйича ёзган маснавийидан олинган. Айтишларича, ислом пайгамбари ўзи туғилган замондан фахрланиб “мен одил бир подшоҳ замонида туғилганман, у подшоҳ Ануширвондир” дерканлар. Ануширвон (Эронинг сосоний ҳукмдорларидан Хусрав Биринчи бин Кубод) даври (531–579 йиллар) Арабистон, Рум, Кобул, Шимолий Ҳиндистон, Хоразм ўлкалари сосонийлар давлати таркибида бўлган (сосонийлар сулоласи 652 йили мусулмон араблар фатҳи билан яқин топган).

<sup>31</sup> **Сафина** – кема. Шакл жиҳатдан ўхшашлиги учун сафина-кема сўзи китобга, айниқса, ҳар бир шоир ғазалларидан бир-иккитадан намуна йиғиб тартиб берилгани сабабли Нух пайгамбар кемасига ишора равишда баёз-тўпламларга нисбатан ҳам қўлланилади.

<sup>32</sup> **Тасмия** – *تسمية* бировнинг исми, исм кўрсаткичи.

<sup>33</sup> 28 харфдан иборат араб алифбосининг одатдаги (алиф, бе, те, се...)дан ташқари яна бир тартиби бўлиб, ундан 1–1000 гача сонларни белгилашда фойдаланилади ва бу тартиб номини ундаги биринчи харфлар бирикмаси билан (а, б, ж, д) “абжад” ёки ҳисоб-китоб маъносига “абжад ҳисоби” деб номланган. Демак, Мутрибий бу ерда шоирлар исминини одатдаги алифбо тартибида эмас, балки “абжад” тартиби билан жойлаштирган.

**Иккинчи Исм** муаллиф уларни кўрган, аммо хизматлари шарофини топмаган подшоҳларнинг аҳволи баёнидадир.

**Учинчи Исм** муаллиф уларни кўрмаган, балки васфларини бошқалардан эшитган султонлар зикридадир.

**Алифбо ҳарфлари** бўлими шеърдаги таҳаллуслари ўша ҳарф билан бошланувчи шоир ва фозиллар зикрида бўлиб, мазкур ҳарфларнинг ҳар бири **уч Нукта**дан иборатдир.

**Биринчи Нукта** муаллиф уларни кўрган, хизматларига етишган ва шеърларини ўзгалар воситасисиз қўлга киритган фозиллар зикридадир.

**Иккинчи Нукта** муаллиф уларни кўрган, аммо хизмат қилмаган, шеърларини эса ўзгалар орқали қўлга киритган шоир ва фозил кишилар зикридадир.

**Учинчи Нукта** муаллиф уларни кўрмаган ва шеърларидан бошқалар воситасида хабар топган шоирлар зикридадир.

Ва бу сўзлар роқимининг ҳали ҳеч бир муаллифнинг илтифоти бул фанда унга шуъла сочмаган махсус ишларидан бири шуки, қаерда газал ёки қасида ёхуд шунга ўхшашлар ҳавола этилган бўлса, аруз ўлчов рукнлари билан унинг баҳр номларини маълумотнома йўсини бўйича қўлёзманинг ўшал шеър ёзилган жойдаги варақ ҳошиясига рақам қилинди.

Замон мусаннифлари барчасининг карами ва даврон муаллифлари ҳаммасининг лутфидан умид ва истак шулким,

**Назм:**

Ҳар чанд ки ин нусха ба важҳи ҳасан аст  
Бас нест ҳамин айб ки таълифи ман аст.

**Мазмуни:**

Бу китоб қанчалик яхши кўринишда бўлмасин,  
Муаллифи мен эканим ўзи унинг айби эмасми? –

китобимизнинг камчилик ва қусурларини лутф этаги билан ёпиб, иноят кўзи билан манзур тутиб, мишқин рақамли қарам қалами билан унга тузатишнинг безакли либосини кийдиргайлар.

“Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охирада ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин<sup>34</sup>”.

Шу сўзлар билан мақсад сари киришилди ва бандаларини сеувчи Аллоҳга тавакқал қилинди.

<sup>34</sup> Куръони карим, Бақара (2) сураси, 201-оят.



**ТАСМИЯНИНГ БИРИНЧИ ИСМИ БУ ТЎПЛАМ ЙИГУВЧИСИ  
УЛАРНИ КЎРГАН, МУЛОЗАМАТИ ШАРАФИГА МУШАРРАФ  
БЎЛГАН ПОДШОХЛАР ЗИКРИДА**

**Жаннатмакон шаҳриёр Абдуллохоннинг – ётган ери обод  
бўлсин – мактовли сифатлари ва муқаддас ёди**

Мазкур подшоҳ мағфиратли шаҳаншоҳ Искандархон бин Жонибек султон бин Хожағум султон бин Абулхайрхоннинг етук ўғлидир. Бу султонлар насаби силсиласи Чингизхонга бориб тақалади.

Нихоятда одил ҳамда латиф одиллиги каттаю кичикка баб-баравар татигувчи, олий сифатли зоти адолат хазиналарини кашф этгувчи ва алқпарварлик муаммоси тугуларини ечгувчи бир подшоҳ эди.

Юрт бошқармоқ қондалари ва мамлакат олмоқ йўлларини яхши биларди. Доимо олижаноб фикри эътибори ва денгиз қатрали ўй-зикрини мамлакатларни эгалламоқ ва ҳамиша олий химматининг истаги ва юкори даражали хохишини масжид ва ислом ибодатгоҳларини қурмоқ ишларига йўналтирган эди.

Подшоҳлик ва мақсади ҳосилликнинг баланд устунли, мустаҳкам тузилишли олий қасрини шундай адолат ва инсофлилик асоси устида барпо қилган эдики, Мовароуннаҳр вилоятларининг барчаси ҳамда Хуросон, Хоразм ва Бадахшондан тортиб то Кошғар чегарасигача бўлган ўлка шаҳарларининг кўпчилиги бу хоннинг ҳумоюн номи хутбаси шарафига мушарраф ва қудратли давлати номига зарб этилган тангаси чиройи билан безанган бўлиб, оламнинг чор атрофида яшовчи барча халойиқ шоду хуррам, ташвиш нималигини билмай, бойлик ва нозу неъмат, фаровонликда ҳаёт кечирардилар. Унинг бахтга тўла замонида ер юзи худди Эрам боғидек ял-ял яшнаб, кўзга нур, кўнгилга қувончу-суруп бағишларди.

Айтишларича, Чингизхон замонидан буён Ўзбекия<sup>35</sup> султон ва ҳоконларидан ҳеч бирига бу подшоҳ қўлга киритганчалик шон-шавкат, ҳашамат ва давлату қудрат муяссар бўлган эмас экан.

Ҳа, азизим! Адолатнинг ана шундай самараси ва ундан ҳам юз минг баробар ортиқроқ миқдорда натижаси бўлажақдир. Демак, подшоҳ зулм аломатини унутмоғи, жабру ситам байроғини йиғиш-

<sup>35</sup> Бу ерда Абдуллохоннинг Дашти кипчоқлик ўзбек улусига мансублигига ишора қилинмоқда.

тирмоғи лозим. Ва шу йўл билан ситамдида<sup>36</sup> мазлумлар ва азоб-укубат чекаётган бечораларнинг сахар чоғи урган оху зорлари камонидан отилувчи ўқидан ўзини эҳтиёт ва омон сақламоғи даркор.

**Шеър:**

Асобий ул-мазлум фи вақти-с-сахар,  
Анфазу фил азлоъ мин ваҳазул ибар.  
Онче як пиразан кунад ба сахар  
Накунад сад хазор теғу табар.

**Мазмуни:**

Сахар пайти мазлум чеккан оху зор кучи,  
Худди санчилгандек чаён нишининг учи.  
Муштипар кампир гар чекса нола тонг сахар,  
Юз минг қиличу ойболта зарбидан баттар.

Бошқа бир шоир ҳам шу маънода ушбу китъани жуда яхши айтган.

**Қитъа:**

Ҳон, эй ниҳода тири жафо бар камони зулм,  
Андиша кун зи новаки дилдуз дар камин.  
Гар тири ту зи жавшани фулод бигзарад,  
Пайкони оҳ бигзарад аз куҳи оҳанин.

**Мазмуни:**

Тўхта, эй зулм камонига жафо ўқин жойлаган одам,  
Пистирмададир намли кипригин ўқдек шайлаган одам!  
Агар ўқинг сенинг пўлат совутни илма-тешик этар,  
Оху зору нола ўқи темир тоғни ҳам тешиб ўтар.

Бас, шундай экан, зулмнинг ёмон оқибатидан ва ситамнинг кўнгилсиз натижасидан кўркинг, андиша қилинг ва унутмангким, мазлум дуосининг ўқини осмоннинг етти қат қалкони ҳам тўсиб қола олмайди.

**Назм:**

Дод дех, аз химмати мардум битарс,  
Ними шаб аз тири тазаллум битарс.  
Оҳи қасон хурд набояд шумурд,  
Оташи сузон чи бузургу чи хурд.  
Тири заифе чу парид аз камон,  
Бигзарад аз нух сипари осмон.

<sup>36</sup> Ситамдида – азоб кўрган (азоб-укубат чеккан).



Мазмуни:

Додига ет халқнинг, газабидан кўрк,  
Тонг-ла чеккан оҳидан отилар ўк.  
Кўнга илмам дема сен, чикса ул ох,  
Ўлдир у – бўлсин кичик, қатгадир хох.  
Қўнса заифнинг ўки гар камондан,  
Тешиб ўтар у тўккиз қат осмондан.

Хикоят: Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий – Аллоҳ сирларини мўъжиздас тутсин – “Хористон” китобида шундай буюрмишлар<sup>37</sup>: “Эшитишимча, Ҳозонхон<sup>38</sup>нинг охурсолор<sup>39</sup>и бир деҳқоннинг бир тўрса сомонини зўрлик билан тортиб олибди. Бундан хабар топган подшоҳнинг буйруғига биноан бир уюм сомон йиғиб келибдишлар ва мазкур охурсолорни ўша сомон гарами ичига тикиб, унга ўт кўйибдишлар. Амалдор куйиб қулга айланибди”.

Қуллардан бир кун бу фақир Самарқанднинг Алиобод ноҳиясидаги Хожа Гузор кўруғ<sup>40</sup>ида Меҳтар Шиғай воситасида ҳазрат хоқони жаннатмакон Абдуллоҳхоннинг олий ўрдуси бўсағаларини ўзини шарафига мушарраф бўлдим.

Хон бу синик кўнгилининг ушбу беадабларча қилган айбли журъатини кечирганларидан сўнг “сўзамоллик фанида кимнинг фойдага қон дастурхонидан манфаатли лукма териб юрибсан?” деб сўрадишлар.

– Ҳазрат Ҳасанхожа Нисорий Бухорийнинг, – дея жавоб бердим<sup>41</sup>.

Маъқуллик изхорини қилгач, шундай лутф этиб:

<sup>37</sup> Саъдийнинг “Хористон” номли асари йўқ. Аммо темирлар даврида Самарқандда яшаган Абдуллоҳ Мароғийнинг Саъдий газалларига басталаган “Амали Гулистон”, “Амали Бўстон” ва “Амали Хористон” номли куйлари бор. Мусиқачи Мутрибий фикрини шу кейинги ном қалғитган кўринади; “Газкирату-ш-шуаро”нинг Техрон нашрида Аъло Али Марвазштий куйидаги хикоянинг Мажиддин Хофий (в. 1443) каламига мансуб “Хористон” асарида маъжудлигини айтади. “Хористон” Шайх Саъдий (в. 1292)нинг “Гулистон” асарида эргатиб ёзилган бўлиб, 8 бобдан ташкил топган.

<sup>38</sup> Ҳозонхон – Чингизий улусида 1343-1346 йиллари ҳукмронлик қилган чингизий Қозонхон ибн Ясоғур кўзда тутилмоқда. У Амир Темурнинг хотини малика Сароймулкхоним (Бибишаро)нинг отаси эди.

<sup>39</sup> Охурсолор – хон отқонасининг бошлиғи.

<sup>40</sup> Кўруғ – ҳайвонот ва наботот олами намуналари кўриқлаб-парваришланадиган жой. зашновлик; дашт.

<sup>41</sup> Кўринадик, бу учрашув Мутрибийнинг устози Ҳасанхожа Нисорийдан 1588–1594 йиллари таълим олиб юрган даврида рўй берган.

– Бўлмаса, шеър фани соҳасида бир неча сўз сўрайман, саволларимга тўғри йўсинда жавоб беришинг лозим, – дедишлар.

Кейин хоннинг биринчи саволи шундай бўлди:

– Шеър сўзининг қандай луғавий ва истилохий маънолари бор?

– Шеър сўзининг луғавий маъноси “тоғмоқ ва билмоқ”дир. Шу жиҳатдан шоирни “билувчи ва тоғувчи” деб атайдишлар. Чунки шоир бошқалар топа олмайдиган сара сўзларни топади ва улар тизимига ўзгалар эплай олмайдиган даражадаги шаклни беради. Истилоҳ сифатида шеър сўзи маъно, вази ва қофиянинг ҳамоҳанг келишини англатади. Чунки яратувчиси уларни ана шу бир-бирига боғлиқлик ҳолатда шакллантиради, – дедим.

Хон иккинчи саволни қуйидаги тарзда қўйдишлар:

– Тўртта қайд (қоида)дан ҳар бирининг фойда (қўлланиш натижа)ларини баён қил.

– Биринчи қайд вазидош ва қофиядош сўзларни чиқариш учун зарур бўлиб, яратувчиси унда фақат ана шу иккисининг ҳамоҳанглигини кўзда тутди. Бу ўринда маънога эътибор берилмайди, худди мана бу шаклда.

Байт:

Ойинаанд он пешани, жоми Жаманд ё маҳи бадр?

Ки ними аз куҳ бўланд асту ними пинҳон аст.

Мазмуни:

Ойнами ул пешона, Жамшид жоми ё тўлин ой?

Ки ярми тоғдан баланд, ярми эса пинҳон.

Иккинчи қайд маъно ва қофиядош сўзларни чиқариш учун зарур бўлиб, лекин улар орасида вазнга риоя қилинмайди, яъни арузнинг маҳсус ўлчовлари қўлланилмаган, худди мусажжаъ (сажъ)да қофияланган сўзлар каби: *гуйи бохтаву асби тахта, фалонро қарам бисёр асту хунар бешумор* (ўзбекчада шунга ўхшаш: *отлари югуриб, туялари бўкириб ёки фалончининг қарам қўл ва сўзлари хўб* – И.Б.)

Учинчи қайд маъно ва вазнини англатувчи сўзларни чиқариш учун зарур бўлиб, лекин улар орасида қофиялашга риоя қилинмаган. Масалан, қуйидагидек:

Байт:

Шоҳо, бақойи умри ту бодо ҳазор сол,

Иқбол дар паноҳи ту бодо ҳазор сол.



Мазмуни:

Эй шох, умринг узунлиги бўлсин минг йил,  
Бахту нқбол папоҳингда бўлсин минг йил.

Тўртинчи қайд айрим Куръоний оятлар ва Набавий – саллаллоҳи алайҳи васаллам – ҳадисларни чиқариш учун ишлатилади. Маздан, ушбу ояти карима: “Сумма акрартум ва ангум ташҳадун; сумма ангум ҳоулони тақтудуна<sup>42</sup>” ва ушбу саҳиҳ ҳадис “Ал-карим бин ал-карим бин алкарим<sup>43</sup>” *фоилатун фоилатун фоилот* вазнида келган бўлсалар ҳам уларни қўлловчи ҳамоҳангликни назарда тутмаган ва буларни шеър деб бўлмади, – дея жавоб бердим.

Хоннинг учинчи саволи шундай бўлди:

– Биринчи бўлиб шеърга оғиз очган одам ким?

– Бу масалада ҳар хиллик мавжуд. Айримларнинг айтишича, биринчи бўлиб шеър айтган киши ҳазрат Одам *алайҳиссалом*дир, фарзанди Ҳобил марсиясида сурёний тилида айтганлар. Бошқаларнинг гапига кўра, илк шеър айтган одам Нух *алайҳиссалом* авлодидан бўлмиш Яъраб бин Қаҳтондир. Мазкур шеър арабий тилда экан. Баъзилар айтадиларки, биринчи шеърни яратган одам Баҳроми Гур<sup>44</sup>дир, айтгани эса ушбудир.

Байт:

Манам он бабри дамону манам пири яла  
Ном Баҳром марову куниятам Бу Жабала.

Мазмуни:

Менман кўрқинчли йўлбарс, занжирдан бўшалган шер,  
Халқ номимни Баҳром, куниямни эса Абу Жабала дер.

Яна бировлар биринчи шеър айтган Абу Ҳафс Ҳаким Суғдий бўлиб, Самарқанд Суғдидан чиққандир ва айтганлари мана булар деб кўрсатадилар.

Байт:

Оҳуи кухий дар дашт чигуна давадо,  
Чун надорад ёр, бе ёр чегуна равадо?

<sup>42</sup> Куръони карим, Бақара сураси (2) 84, 85-оятлардан.

<sup>43</sup> Ал-карим бин ал-карим бин ал-карим ... Юсуф бин Ёқуб. “Саҳиҳи Бухорий” ҳадислар тўламадан.

<sup>44</sup> Сосоний подшоҳларидан Вараҳран IV нинг ёввойи эшак (гур) овлашга ўч бўлгани учун олган лақаби.

Мазмуни:

Тоғ оҳуси биёбонда қандай югургуси?  
Ёри йўқдир ёнида, ёрсиз қандай юргуси?

Кўпчиликнинг фикрича, биринчи бўлиб форсийда қасида айтган ва мадҳиягўйликни бошлаб берган шоир Рудакий бўлган, – дея жавоб бердим хон саволига.

Ҳазрат хоқони жаннатмакон Абдуллоҳхон бу жавобларни эшитгандан сўнг таҳсин айтдилар ва сақарлот<sup>45</sup> чакман, бир нечта танга билан сийлагач, кетишга рухсат бердилар.

Бу хоннинг соғлом таъби ва ўтқир зеҳни бор эди, сўзни топиб танлашда тенгсиз ва нозик маъноларни ишлатишда мислсиз даражада ном чиқаргандилар. Жаҳонбонлиқ мартабаси ва юрт бошқармоқлик рутбасига қарамай, суҳандонлик ўлкаларини эгаллашга ҳам эътибор қаратардилар. Ва ширин сўзлар, рангин абёт айтишга ажиб бир майлу истаклари бор эди. Ва ушбу қитъа мазмунига кўра:

Шоиронро азиз бояд дошт

Ки аз ийшон бақо пазирад ном.

Шеъри Салмон нигар ки тоза аз уст

Номи Султон Увайс дар айём.

Мазмуни:

Шоирларни тутинг сиз азиз,

Шеър сабаб номлар кетмас беиз.

Салмон шеъридан умри мудом

Топмиш Султон Увайс деган ном<sup>46</sup>.

Шоирлар ва фозилларнинг иззат-икромини ўрнига кўярдилар ва ул тоифанинг ўша замонда бошқа кишиларга қараганда имтиёзлари кўпроқ юзага чиққанди.

Ва ул шоиру фозилларнинг хон ҳазратнинг атоқли номларига бағишланган зўр қасидалари, чиройли шеърлари ҳамда яхши таснифотлари ва дилтортар таълифот<sup>47</sup>лари кўп. Чунончи, бизнинг замонамизда ҳам улар хануз ўз қийматини йўқотмаган.

Ҳазрат Абдуллоҳхон гоҳида ёғдули кўнгиллари қувончи учун соғлом таъби ва ўтқир зеҳни меваларини назм шаклида янада мазмундор

<sup>45</sup> Сақарлот – мовут.

<sup>46</sup> XIII асрда Эронда ҳукм сурган мўғул элхонийлар сулоласига мансуб Султон Увайс ва уни мадҳ этган машҳур шоир Салмон Соважий (1299–1376) хўзда тутилмоқда.

<sup>47</sup> Тасниф ва таълиф сўзлари бу ерда илмий, бадий асарлардан ташқари мусикага доир рисола ҳамда басталанган куйлар маъносига ҳам келган.



килардилар ва маънаки маннои Худо инояти воситасида ул ҳазрат  
иккита тил – форсий ва туркийда шеър айтмоқ икtidорига эга эдилар.  
Ва бу дилкаш газалини битиб, Бухородан Самарқандга  
Жавонмардалихон<sup>48</sup> хузурига юборган ва унга жавоб айтишни  
сўраган эдилар.

**Газал:**

Дило, бар кан умид аз Қаршиву бигзар зи Косонаш  
Ки, муштоки Самарқандам, ба ду токи намоёнаш.  
Ба Бозори чапаш бигзар ки то бини зи ҳар суе  
Парируе, сияҳ чашме ки гардад ақл ҳайронаш.  
Бўрув, бар тахт хуш биншин Сулаймонвор, ишрат кун,  
Ки жонро тоза медорад ҳавойи Боғи майдонаш.  
Жувози қоғазу Пушти расад фасли баҳор, эй дил  
Дехад ёд аз ҳарими жаннату фирдавсу ризвонаш.  
Ҳамиша орзуйи Хон ҳамин бошад ки дар олам  
Равад суйи мазори шоҳу гардад аз ғуломонаш<sup>49</sup>.

**Мазмуни:**

Эй дил, кўп боғланма Қаршига, не даркор сенга Косон,  
Самарқанд муштоқисан, юр қошдек Икки тоқ<sup>50</sup> и томон.  
Ўтгил Бозори чапи сари, кўрарсан ҳар ёнида,  
Неча пари юз, неча қора кўз, бўлиб ақлинг ҳайрон.  
Бор, ўтиргил чиқиб Сулаймондек тахтга-ю лаззат ол,  
Чун Боғи майдон ҳавосидан хузур топар танда жон.  
Эй дил, Қоғоз жувози, Расадхона тепалигидир,  
Баҳор фаслида гўё жаннату, фирдавсу ҳам ризвон.  
Бу жаҳонда мудом Хоннинг орзуси шу бўлажакким:  
Шоҳ мазори<sup>51</sup> га борсаю хизматида турса ҳар он.

<sup>48</sup> Самарқандда анча вақт мустақил хошлик юргизган ва 1578 йил кузида Абдуллоҳхон томонидан катл этилган Жавонмардалихон ибн Абусаидхон бин Кўчкунчихон кўзда тутилмоқда.

<sup>49</sup> Мутрибий кўлэзма ҳошиясида бу газал баҳрини “ҳазажи мусаммани солим”, вазини “мафоилун, мафоилун, мафоилун, мафоилун” тарзида келтирган; “Нухайи зебойи Жаҳонгир”да бу шеърга Жавонмардалихоннинг форсча жавоби ҳам берилган бўлиб, улар икки ҳукмдор ўртасидаги даҳанаки жанг ўрнида талқин қилинган.

<sup>50</sup> *Икки тоқ* – бу ерда Улуғбек Мирзо курдирган Байни тоқайн (икки тоқ-арк оралиги) баҳорида Абдулмўминхон томонидан буздириб ташланган.

<sup>51</sup> “Шоҳи зида” қабристонида жойлашган шоҳ Қуссам ибн Аббос қабрига ишора қилинмоқда.

Ва бу туркий матлаъни Мирзо Наврўз ва Мирзо Кўшоёқларга қарата жуда яхши айтганлар ва у халқ орасида катта шухрат топган эди.

**Матлаъ:**

Бир аёқ<sup>52</sup> ичтук ўшал Наврўзи мишкин қошдин,  
Кўш аёқ<sup>53</sup> ичмай туриб чиқмас хуморлар бошдин.

Ёшлари олтимишдан ошиб, бир минг еттинчи (1007) йили Худо ҳимоясидаги Самарқанд шаҳрида ҳаётининг балиғи фано гирдобига тушиб, қазо овчисининг қармоғига илинди ва “мусаффо асалдан бўлган дарёлар<sup>54</sup>” томон майл билдирди.

Шариф наъшнини шаҳарлар фаҳри Бухорога келтириб, хожаи бузургвор Баҳоуддин Нақшбанднинг – *сирлари муқаддас бўлсин* – нурга тўла мазори ёнига дафн этдилар. Ва бу фақир ул Жамшиддек қудратли подшоҳнинг вафоти таърихини мана бу йўсинда назм ипига тизганман.

**Таърих:**

Фаридуни замон, хоқони аъзам,  
Ба жаннат бўрд рахти истиқомат.  
Шаҳаншоҳе ки аз фарти адолат,  
Жаҳонро кард ободон тамомат.  
Ба соли мурғ дар моҳи ражаб рафт,  
Аз ин меҳнат саройи пур маломат.  
Нишоне аз қиёмат мотами уст,  
Ба пеши дидаи аҳли саломат.  
Чу жустам аз халойиқ соли фавташ,  
Ҳама гуфтанд: “Қойим шуд қиёмат<sup>55</sup>”.

**Мазмуни:**

Замон Фаридуни, қудратли хоқон,  
Кўч-кўлони-ла кетди жаннат томон.  
Ҳаддан зиёда бўлиб адолати  
Жаҳонни этган эди у ободон.

<sup>52</sup> *Аёқ* – ёғоч пиёла.

<sup>53</sup> *Кўш аёқ* – 1) кўш (иккита) пиёла. 2) “Кўшаёқ” – ўзбек уруғларидан бирининг номи.

<sup>54</sup> Қуръони карим. Муҳаммад (47) сураси, 15-оятдан.

<sup>55</sup> Абжад ҳисобида бу сўзлардаги ҳарфлар йиғиндиси “1007” сонига тенг бўлиб, у 1007 хижрий йилни англатади. Абдуллоҳхон 1598 йил 8 феввали, туркий тақвим бўйича “мурғ – товук” йилида вафот этган.



Ражаб ойи, “товуқ” йили бўлиб шупқор,  
Уқубат уйидан қутултирди жон.  
Диндор сулук аҳли наздидадир,  
Мотами унинг қиёматдан нишон.  
Халқдан суриштирдим вафоти йилин,  
Дедилар: Қиёматдир қойим бу он.

### Шаҳиднишонли фирдавсмакон АБДУЛМЎЪМИНХОН бин АБДУЛЛОХХОНнинг мактовли васфи ва безакли зикри

Ниҳоятда инжиқ таъбли ва юпка мизож подшоҳ эди. Халойиқ-  
ни озгина айби учун кўп азоб-уқубатларга дучор қиларди. Аммо шу  
қизикқон ва жиззакилик хислати ҳамда жahlдор ва тезоблигига қа-  
рамай, нурафшон шарият ва ойдин миллатнинг катта йўлидан таш-  
қари қадам босмасди.

Шунингдек, доимо олий ҳимматини олиму фозиллар ва шоир-  
лар кўнгилларидаги эҳтиёжни қондириш сари йўналтирган ҳамда  
ҳамиша қимматсиз назарининг мақсади адлу инсоф йўлини кўзлар-  
ди ва “албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга бую-  
рур”<sup>56</sup> ояти қаримасини олқишнинг олтин суви билан давлат нишо-  
ни тугросига ёзиб қўйган эди.

Ва унинг салтанати айёмида куббату-л-ислом Балхда ҳеч қим-  
нинг турмуши талху аччиқ кечмаган ва бу мамлакат маъмуру-обод-  
лиги юзасидан “баланд устунли Эрамдек шаҳар бошқа жойларда  
яратилмаган”<sup>57</sup> қаримаси мазмунини эсга соларди. Аммо охир-оқи-  
батда турмушнинг ҳасадли кўзи унинг давлат-дастгоҳига тегиб  
ишларига шикаст етказди.

Бу фалокатнинг сабаби шунда эдиким, доноларнинг “салтанат  
ва мансаб кетидан юрган кишининг қариндош-уруғи, дўсту-бире-  
дари бўлмайди” деган ҳикмати мазмунига кўра Абдулмўъминхон  
отасини ўлдириш пайига тушди. Аммо бу шум мақсадига етишдан  
бурун олий отаси “иржиъи” – “қайт” хитобини қабул қулоғи билан  
эшитиб, ўткинчи дунё тупроқхонасидан этак силтаб, мангулик гул-  
шанхонаси томон катта йўл солиб, ушбу байт мазмунича воқеа со-  
дир бўлди.

<sup>56</sup> Қуръони қарим, Нақл (16) сураси, 90-оят.

<sup>57</sup> Қуръони қарим, Вал-фажр (89) сураси, 6, 7, 8-оятлардан.

### Байт:

Бе дардисари найзаву омад-шуди пайкон,  
Он фатҳ ки мифтоҳи дилаш буд баромад.

### Мазмуни:

Тортмай найза бош оғриғи-ю, ўқ борди-келдиси ташвишин,  
Қалбининг калити бўлган ул ғалаба рўёбга чикди бугун.

Ўшандан сўнг номувофик душманлар чақимчилиги орқасида  
ўзига қариндош барча султонларни ўлдиришга чоғланиб, ғазаб оти-  
га минган чоғида уларнинг барини тутиб шаҳидлик даражасига ет-  
казди.

Бу воқеа содир бўлгач, отасининг олиймақом шавкатли амирла-  
рида унга нисбатан сира ишонч қолмай, Абдулмўъминхонга бўлган  
адоват уруғини дил даласига экиб, бўйсунмаслик йўлини тутдилар.  
Салтанат ширли хазрат Абдулмўъминхон эса буни сезиб қолиб,  
уларни қўлга олмоқ қасдига тушиб, ҳар бирини бирон баҳона билан  
битта-битталаб қатл эттирди. Бироқ ўзи ҳам “бошингда бор нарсага  
бош қўшасан” деган мақолдагидек шу балога гирифтор бўлди.  
Зомин вилоятдан Самарқанд сари қайтиб келаётган пайти ёнида  
келаётган Амир Абдулвосеъбий бошлиқ<sup>58</sup> бир гуруҳ адоватчилар  
билан тил бириктириб, тунда ул шаҳриёрга камондан ўқ отиб, ша-  
ҳид қилдилар<sup>59</sup>.

Аммо [шу ўринда эслатиш лозимки], аслида улар бу билан  
ўзларининг илдиизига болта уриб, натижада уни тағ-томири билан  
қўпориб ташладилар<sup>60</sup>.

### Муаллиф(дан):

Ба қасди хуни валинъмат ар-чи куший, лек,  
Яқин ба равғани худ жуш мезани дар дег.

### Мазмуни:

Валинъматинг қонини тўкмоқ учун тиришсанг агар,  
Билгилким, қозонда ўз ёғинга ўзинг қоврилажаксан.

<sup>58</sup> Бошлиқ – ўзбек уруғларидан бирининг номи.

<sup>59</sup> Бу воқеа 1598 йил июлида содир бўлган (Абдулмўъминхон 1568 йил 16 январда  
туғилган).

<sup>60</sup> Подшоҳлар жонига суиқасд қилиш катта гуноҳ саналиб, суиқасдчилардан қачон бўлса  
ҳам қасос олинган. Мазкур суиқасдчилар ҳам 1601 йил шайбонийлар ўрнига келган  
аштархоний Боқи Мухаммадхон томонидан қатл этилганлар. Мутрибий бу ерда шунга  
ишора қилмоқда.



Фақир ул ҳазратнинг салтанати охирида фалакни алдовчи саро-  
йига борди-келдида бўлганман. Таъби бағоят яхши эди, мазали  
шеър ва тотли сўздан ажиб бир равишда завқланарди. Ва гоҳида ўзи  
ҳам шеър айтмоқ йўлига қадам босарди. Бу матлаъ ва рубойи унинг  
латиф таъби меваларидандир.

**Матлаъ:**

Насиби теги ду сар бод пора-пора дилам,  
Агар зи фикри миёнат кунад канора дилам.

**Мазмуни:**

Икки тилли қилич еми бўлсин пора-пора дилим,  
Белинг фикридан олса ўзин четга бир бора дилим.

**Рубойи:**

Аз гуфтани шеър дил сафое ёбад,  
Шоир ба жаҳон нашъу намое ёбад.  
Авсофи бутон гуй, агар гуйи шеър  
То оинаи дилат жилое ёбад.

**Мазмуни:**

Шеър демокдан кўнгил сафо топсин,  
Жаҳон ичра шоир напъу намо топсин.  
Шеър айтсанг, санамлар васфин қил,  
То дилинг кўзгуси жило топсин.

**Фазилатнишон подшоҳ Абдол султоннинг  
гўзал зикри ва чиройли васфи**

Абдуллатифхон [бин Кўчкинчихон] Самарқандий<sup>61</sup> нинг ўғли.  
Довруқли исми ва атоқли оти Абдулмалиқдир. Шеърда эса “Хуш”  
тахаллуси билан танилган. Фозил ва латиф таъби шеър айтишга мо-  
йил бир подшоҳ эди. Фазл аҳлига кўп риоят ва хўб иноятлар қи-  
ларди.

Бир куни йўлда кетаётган экан, тасодифдан кимиёасар назар  
лари менга тушиб қолди. Қўлимдаги китобни кўриб, “бу қанақ  
китоб?” дея сўради.

– Шеърлар тўплами, – дедим.

Қўлимдан олиб очди. Ўша очган варағи саҳифасида Мирзо  
Машҳадийнинг ушбу рубойиси чиқди.

<sup>61</sup> Абдуллатифхон Самарқандда 1540 йил октябрдан вафоти 1551 йилнинг май ойида  
хонлик тахтида ўтирган.

**Рубойи:**

Лўли баччае ба ишва қурбонам қард,  
Бо ғамзаву ноз ғорати жонам қард.  
Бар доира аз пардаи дил пуст кашид,  
Санжаш зи саводи чашми ғирёнам қард.

**Мазмуни:**

Лўливачча ишва билан мени қурбон айлади,  
Ғамзаву ноз қўлин чўзиб, ғорати жон айлади.  
Дилим пардасини чекиб доира узра ул шўх,  
Кўзим қароғидин анга халқан дон айлади.

**Иноят қилиб:**

– Шу рубойига жавоб айтсам, қандай бўларкан? – дедилар.  
– Жуда яхши бўларди, – дедим.

Бироз ўйланиб тургач, султон шуларни айтди.

**Рубойи:**

Ойнаи рухсори ту ҳайронам қард,  
Ошуфтағийи зулф паришонам қард.  
Дар ишқи ту доштам сару сомоний,  
Ҳажри ту ажаб бесару сомонам қард.

**Мазмуни:**

Ойнаи рухсоринг ҳайрону зор айлади,  
Тим қора сочинг тийраи рўзгор айлади.  
Ишқингда бор эрди тинчу қарорим менинг,  
Ҳажринг сенинг не ажаб беқарор айлади.

Гўзал таъби ва ёқимли гаплари бор эди, мана бу матлаъни  
битта уй қурилишида жуда яхши айтган.

**Матлаъ:**

Ин хона аз латофати хубон беҳишти мост,  
Хеште зи остонаи у сарнавишти мост.

**Мазмуни:**

Гўзаллар латофатидан бу уй биза жаннатдир,  
Остонасин ҳар ғишти қисматимиздан ҳикоятдир.

[Абдол султон] 988 йили Ҳисори Шодмонда душманлар қўлида  
шаҳид бўлди<sup>62</sup> ва шариф жасадини Самарқандга келтирдилар. Бо-  
боси қурдирган мадраса ичидаги отаси қабри ёнига дафн қилинди.

<sup>62</sup> Аслида бу воқеа 987 йил рабиу-с-соний (1579 йил 7 июни)да рўй берган. Абдол султон  
Жавонмардалихон даврида Зомин ҳокими бўлган, 986/1578 йили Абдулхайр султон  
воқеасидан сўнг Тошкентга қочган ва Тошкент ҳокими Бобохон Абдуллохондан енгил-  
гач, Абдол султон Бадахшонга кетади, Бадахшон волийси шайбонийлардан енгилгач, у



Бу факирнинг амакиси дегувчи эдилар: мазкур салтанат шир-ли хазратнинг таъби аниқ ва соғлом бўлиб, матбуъ шеърлар<sup>63</sup> га қараганда кўнгли кўпроқ маснуъ шеърлар<sup>64</sup> га боғланган эди. Шу сарбаби таъби аниқлик билан танилган Дайрий Тошкандий ва шу сингари бошқа шоирларни эъзозларди. Ўтмишнинг маснуъи шоирларидан Хотамийга эътиқоди кучли эди ва бу султоннинг ўтиришларида кўннича Хотамийнинг шеърларидан ўқиларди.

Хотамий Султон Махмуд Мирзо Чигатой<sup>65</sup>нинг эътиборли шоирларидан бўлган. Жуда кучли шоир ўтган ва ўз шеър уқасидаларида мазкур шахриёрни мадҳ этган. Қуйидаги манзум унинг маснуъ шеърларидан бўлиб, намуна сифатида ҳавола этилмоқда. Ниҳоятда маснуъ шеър талабларига мос равишда аниқ ва нафис чиққан ғазалдир ва яратувчиси унинг хусусият ва санадларини қуйидагича ёзган: “Бу ғазал етти *илтизомдан* тартиб топган: биринчиси – *мусаммат*; иккинчиси – *радд ал-ажз ала-с-садр*<sup>66</sup> *мутаффиқ ал-лафз ил-мухталиф ул-маъно*<sup>67</sup>; учинчиси – *зўқофиятайн*<sup>68</sup>; тўртинчиси – унинг қофияларидан битта байт чиқади; бешинчиси – *тарших* амали билан рубоий ҳам чиқариш мумкин; олтинчиси – *эъно* санъати билан ҳам бир маснуъ рубоий чиқади. Бунда биринчи мисраъ сўзлари бир ҳарф ва иккинчи мисраъ сўзлари икки ҳарф ва учинчи мисраъ уч ҳарф ва тўртинчи мисраъ тўрт ҳарф ўрнида келади; еттинчиси: *тарших* амали билан чиқадиган бир китъадир; рубоийнинг биринчи ва учинчи мисраъси ғазалнинг биринчи мисраъларидан чиқарилади, иккинчи ва тўртинчи мисраъси ғазалнинг иккинчи мисраъларидан ҳосил бўлади. Ва бу ғазал улуғ, муқаррам амир ва олимлар мураббийси, фозиллар ҳомийси,

ердан ҳам кочиқ Ҳисори Шодмонга келади ва Ўзбек султон кишилари қўлига тушиб, бунда пайтда Тошкентни эгаллаган Абдуллохон буйруғи билан қатл этилиб, бошини Абдуллохон олдига юборадилар.

<sup>63</sup> *Матбуъ шеърлар* – табиий, яъни одатдаги шеърини услуб бўлиб, унда сўзларни сунъий равишда ишлатиш услуби қўлланилмайди.

<sup>64</sup> *Маснуъ шеърлар* – ғазал, рубоий, қасида сингари асарларда сўз ўйинини ҳаддан ошириб қўллаб, сунъийлик юзага келтирилган шеърлар.

<sup>65</sup> Теурий Султон Махмуд Мирзо бин Султон Абусанд Мирзо кўзда тутилган. Султон Махмуд Мирзо (туғ.1453) 1469 йил Ҳиротдан Самарқандга келиб, акаси Султон Аҳмад вафот этгач, 1494 йил кузида Самарқанд тахтига ўтириб, 1494 йил декабрида вафот этган.

<sup>66</sup> Байт охирининг олди қайтиши. Бу ҳақда яна қаранг: Ё.Исҳоқов. Қайтариш санъати Ўзбек тили ва адабиёти. 1972, № 2.

<sup>67</sup> Турли хил маънодаги сўзларнинг биргаликда келиши.

<sup>68</sup> *Зўқофиятайн* (зулқофиятайн) – икки қофиялик.

Ҳассон<sup>69</sup> баёнли, замон Салмон<sup>70</sup>и, бениёз таигри назари воситасида одамларга манзур бўлган Амир Шужоъ уд-давлата вад-дин Аҳмад Ҳожи<sup>71</sup> – *басту иқболи абадий бўлсин* – мадҳиладир. Мазкур ғазал қуйидагича.

**Ғазал:**

Дорам рухе ба зардий чун зар ба қор, ёрам,  
Аз оҳ дилда сардий, дил дар губор дорам.  
Нозам кашид аз дил оҳе ба жон мойил.  
Ҳаргиз надид койил дами жўз буххор, норам.  
Ёрам ғам асту настий ҳосил зи тангдастий  
Жаъди санам ба мастий доми шикор, ёрам.  
Зорам ҳазор дастон жуям ба ҳар гулистон,  
Як булбуле ки аз жон бинад ҳазор зорам.  
Борам сиришки чандон толиб ба меҳри жонон  
К-зи лаъл набувад осон, беғам шумор борам.  
Қорам ба сина корий, дар ишқ тухми зорий  
Бингар ба айни ёрий, неку мадор қорам.  
Ёрам чу ишқ бозам, бе ашқ агар гудозам,  
Чун Хотамий ки созам дилро нисор, ёрам.

**Мазмуни:**

Юзим сариклик-ла тиллодек ярар ишга, ёрим,  
Оҳдан кўз совуқлиги-ю дилим губор ародир.  
Ноз қилди дилдан жонга мойил ул оҳгинам,  
Яратувчи кўрмади тутундан ўзга дам, чун ўтман.  
Ёрим ғаму настликдир, ҳосилдир қўл етмасликдан,  
Санам жингалак сочи мастликда ов тузоғи, ёрим.  
Зорману булбул изларман ҳар бир гулистонда, бир,  
Булбулким, жон-дилдан кўрса менинг минг зорим.  
Нечалар кўз ёши окизаман, жонон меҳрига толиб,  
Ки лаъли лабдан бўлмас осон, беғам сана талабим.  
Синам даласига экаман ишқда зорлик уруғини,  
Қара ёрлик кўзи билан, яхши деб ўйлама ишимни.  
Ёрим чун ишқбозман агар ёнсам ҳам ҳеч шаксиз,  
Чун, Хотамий, ки қиларман дилтимни нисор, ёрим.

<sup>69</sup> Ислом пайғамбарига замондош машҳур араб шоири Ҳассон бин Собит кўзда тутилмоқда.

<sup>70</sup> Маснуъ шеър турини чўққисига чиқарган форс шоири хожа Салмон Соважий (в. 1376) кўзда тутилмоқда.

<sup>71</sup> Самарқанд шаҳри ҳокими Аҳмад Ҳожи кўзда тутилган. Бу ҳоким Навоийга ҳам кўп яхшиликлар қилган.



Тарих амали билан чиқувчи маснуъ рубоний эса ушбудир:

фард [бирлик] Дорам рухи зарду зор аз дард, эй дил,  
мусамман [иккилик] Жонам жуз гам надид харгиз хосил.  
мусаллаъ [учлик] Жавди санам маст, мажу, хаст бало,  
мураббаъ [тўртлик] Мискин талаби, ба ишқ бини мушқил.

Ғазал кофияларидан хосил бўлувчи байт ва у мурассаъдир:

Ба кори ёрам, губоре дорам, буххори норам, шикори ёрам,  
Хазор зорам, шумор борам, мадор корам, нисори ёрам.

Амирлар паноҳгоҳи номига айтилган мадхия китъа қуйидагича

чиққан.

Китъа:

Мири арбоби мурувват ба сахо  
Дидаи аҳли маоний ба сухан.  
Бод нав бардан бораш, анжум  
Аз сар дид дар ин дайри кухан.

Мазмуни:

Саховатда мурувват аҳлининг амири,  
Сўзда маоний аҳлининг кўрар кўзи.  
Саройи қули янгилаиб, кўринсин  
Юлдуз янги бошдан бу эски жаҳонда.

Яширин қолмасинким, ғазал сўзлари устига қизил билан ёзилган харфлар<sup>72</sup> мадхия китъани хосил килувчи харфлардир. Ўша қизил харфлар устига хандаса тартибда қўйилган рақамлар китъанинг тўртлик харфлари аломати бўлиб, бир рақами биринчи мисраъ харфлари, икки рақами иккинчи мисраъ харфлари ва уч рақами учинчи мисраъ харфлари ва тўрт рақами тўртинчи мисраъ харфларидан топилганини англатади.

Бу турдаги ғазал битмоғимга сабаб шу нарса бўлган эдиким, саккиз юз саксон саккизинчи хижрий [888] йил<sup>73</sup> и Ғазна вилоятини улугларидан бир бузруғвор шу баҳр [ўлчов]да уч *илтизом*ли бир

<sup>72</sup> Тазкира қўлёзмасида ҳақиқатдан ҳам ғазалдаги зарур харфлар қизил сиеҳ билан ёзилган бўлиб, аммо уларни кирилл алифбосида ифодалаб бўлмайди.

<sup>73</sup> 888 йил – 1483 йил 9 февраль – 1484 йил 29 январь ойи оралиги.

ғазал ёзиб – *офатларни қайтаргувчи* – доруссалтана Ҳиротга юборган ва у ердан эса бу ғазални – *балоларга қалқон бўлгувчи* – омонлик уйи Самарқандга келтирган эдилар. Ғазал илтизомлари: биринчи илзом – *радд ал-ажз ала-с-садр*; иккинчи *илзом* – шу ғазалдан рубоний чиқариш; учинчи *илзом* – мазкур йўл билан *маснуъ* рубоний хосил қилиш. Ўша кезлари ҳазрат хилофатпаноҳнинг азиз йиғинида қатнашаётган эдим. Ўтирган азизлардан баъзилари [шу ғазалга жавоб битгил дея] илтимос қилдилар.

Байт:

Сухане чанд дар миён овард,  
Пеши он жамъ таржимон овард.

Мазмуни:

Бир неча сўзни варақ юзи узра сочдим,  
Шу ила ўтириш аҳлига қалбим очдим.

Ана шу сўзлар мазмунига биноан юқоридаги ғазалим вужудга келди. Яратувчининг қарамидан умидим шулки, ушбу битганларим маоний чорсусининг сўз билувчилари ва суҳандонлик бозорининг саррофлари назарида мақбуллик мартабаси ва маъқуллик даражасига етса. Ё раббил-оламин.”

#### Ғазилат аломатли султон АБУЛҲАЙР СУЛТОН бин Жавонмардалихоннинг чиройли зикри ва мақтовли васфи

Ғоятда беқарор таъб ва фитна кўзғовчи, кину адоват тимсоли ва жабр-зулм макони бўлган ажиб бир подшоҳ эди. Ҳар неча кунда бир ғавғо кўзгатар ва халқ бошига фитна тупроғини сочар, ҳар гал бир гуруҳ бегуноҳларнинг қони тўкилишига сабаб бўларди.

Шижоат ва кураш майдонида уддабурону кўркмас бўлса-да, аммо ўй-андиша ва мулоҳазакорлик йўлига сира қадам босмас эди. Латиф табиатини енгилтаклик хислати енгган, айшу ишрат ва кўнглихушликка муккасидан кетган, манъ этилган ишлардан қайтмас ва ҳар хил номақбул ўйинларни тарк этмас шаҳзода эди.

Кўпинча вақтини Самарқанднинг шакар оғизли, ширин лабли ва пари юзли гўзал таъблилари давраси ва қуршовида ўтказарди. Олий йиғини намакин<sup>74</sup> дилбарлар ва нозанин маҳвашлар туфайли Чин нақшхонасининг ҳам рашқ этадиган жойига айланган эди.

<sup>74</sup> *Намакин* – дилга ёқар тарадаги оқ бадан; латоғатли; тароватли.



Ёшлик ғурури орқасида отаси ва жонажон оға-иниларига қарши муҳолифат йўлига кириб, жаннатмакон хоқон Абдуллоҳхондан уларга қарши курашда ёрдам сўраб борди. Унинг бу байтлари худди шу маънодан дарак бериб тургандек.

**Ғазал:**

Боз дар сар ҳаваси тигу синон аст маро,  
Боз шоҳаншоҳин ҳар ду жаҳон аст маро.  
Дил гирифт аз падар ва ҳам зи жавонмардин у,  
Обрў дар қадами ҳазрати хон аст маро.  
Хони хонон ва шаҳи оламиён Абдуллоҳхон,  
Он ки дар давлаташ осойиши жон аст маро<sup>75</sup>.

**Мазмуни:**

Яна қилич-қалкон ҳаваси келди маним бошим,  
Тагин икки дунё шоҳлиги келса дерман қошима.  
Қўнглим қолди отамдан, қуриб кетсин жавонмардлиги,  
Ҳазрат хон қадамидан ортар обрў мани бу ёшим.  
Хонлар хони-ю олам аҳли шоҳидир Абдуллоҳхон,  
Давлати жон роҳати – куч қўшар сабру бардошима.

“Хилоф ишда самара йўқ<sup>76</sup>” деганларидек, бу хилоф ишнинг самараси шу бўлдики, қисқа вақт ичида ўзи, отаси, ака-укалари ва яқинларининг давлати ва бахт-иқболи асоси ва умру ҳаёти пояси таг-томири билан кўпорилиб, уларнинг ҳеч биридан бир нишон қолмади<sup>77</sup>. Бу қисса Ҳофиз Муқимий Бўстонхонийнинг “Зафарнома”<sup>78</sup> сида батафсил баён этилган бўлиб, мазкур воқеа тафсилотини ўша ердан ўқиб олиш мумкин.

Аммо ҳазрат салтанатпаноҳий Абулхайр Султон мўътабар хуштабълардан ва шуҳрат топган сўз усталаридан эди. Шеър айтишда унинг қондаларига тўла риоят қиларди. Ўткир фаҳми ва бало кўптирувчи зехни бор эди. Мана бу ғазал унинг жонпарвар гуфторидандир.

<sup>75</sup> Мутрибий ҳошияда бу ғазал баҳрини “мусаммаг”, вазнини “фоилатун фаалатун фаулун” ўлчовида топган.

<sup>76</sup> Араб мақоли: хилоф иш толга ўхшайди, кўм-кўк ва тароватли бўлади-ю, гулламайди ва мева бермайди.

<sup>77</sup> Бу воқеа 1578 йил кузида рўй берган.

<sup>78</sup> Бу асар бизгача ҳам етиб келган бўлиб, унинг бир нусхаси Тожикистон ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида сақланади.

**Ғазал:**

Манам зи теги фироки ту дил фиғор нишаста,  
Зи дурии гулруйи ту беқарор нишаста.  
Ба тарфи гулшан куят, ба ёди он гул руют,  
Фиғору ғамзада, ҳар гўша сад ҳазор нишаста.  
На шабнам аст ба рухсори гул, ченин ки бубини,  
Сиришки булбули ошуфтаи рузгор нишаста.  
Фиғони булбули ошуфта нест аз ситами гул,  
Фиғон кунон ба дарахт аз жафон хор нишаста.  
Ба ёди он гулру мустаманди Ишқини бедил,  
Нигоре, ғам зада бо чашми ашқбор нишаста.  
[Нигоре, ғамзада бо чашми хунгусор нишаста<sup>79</sup>]

**Мазмуни:**

Менман фироқинг қиличидан дил афгор ўтирган,  
Гул юзингдан узоқ тушиб, беқарор ўтирган.  
Гулшан кўчанг четида гул юзинг ёди билан,  
Юз минг киши ҳар бурчакда ғам-ла абгор ўтирган.  
Шабнам эмас гул юзида, яхшилаб боқсанг унга  
Ошиқ булбулнинг кўз ёшлари шашқатор ўтирган.  
Ошуфта булбул фиғони гул ситами сабабмас,  
Тикан жафосидан дарахт шоҳида зор ўтирган.  
Гул юзли жонон ёдида бўлибсан Ишқий асиру  
Бедил, фақат сен ғамзада, кўзи ашқбор ўтирган.

Ва бу рангин икки байт ҳам унинг ширин гуфторидандир.

**Назм:**

То хиромад соқии гулрух сўи базми висол,  
Лолаи хунин кафан гардида поёндози ол.  
Нест моҳи нав ки шуд оғишта дар айни шафақ,  
Нохуни шир аст гулгун гашта аз хуни ғизол.

**Мазмуни:**

Гул юзли соқий кетар висол базмига қўлда шиёла  
Йўлга тўшалган ол поёндоздек қон кафанли лола.  
Шафақда қизил кийган янги ой эмас – шер панжаси,  
Бўёқ бермиш унга бағри қонидан тоғда ғизола.

<sup>79</sup> Мутрибий ҳошияда бу ғазал баҳрини “муҷтасси мусаммани маҳбув”, вазнини “мафоллун фаалатун мафоллун фаалатун” шаклида ўлчовида кўрсатган; Ҳошияда охириги мисраъ кимдир томонидан шундай шаклда тузатишган.



Камина бир рамазон ҳайити куни Самарқанднинг Оксаройда Абулхайр Султоннинг қутлуг суҳбатларига етишганман.

– Ҳайитлик газал айтдингми? – деб сўрадилар ўшанда.

Бундай газал ёзмаганим учун жуда кийин ахволда қолиб, утр сўрашга тушдим ва “бу банданинг айтганлари барибир ҳазрат салтанатпаноҳнинг ҳумоюн суҳбатларига лойиқ бўла олармиди? Агар вожибу-л-иъзон, яъни ҳамма бажариши шарт фармон шарафини топсам, ҳазрат ҳақойиқ паноҳий, хўжаста фаржомий [Абдурахмон Жомий] шеърларидан бир ҳайитлик газални ҳазратларининг шарофатли арзларига етказган бўлардим” – дедим хижолатпазликдан чиқишга уриниб.

– Қутулишнинг зўр йўлини ўйлаб топдинг-а! – дедилар султон табассум қилиб<sup>80</sup>.

Шундан сўнг шеър ўқишга рухсат олиб, ушбу латиф газални шариф эътиборларига ҳавола қилдим.

#### Газал:

Соқий, ба шакли жом бар омад ҳилоли ийд,  
Май дех ба фарри давлати Султон Абусаид.<sup>81</sup>  
Қуфли ки руза бар дари айшу нишот зад,  
Шакли ҳилоли ийд, зи зар сохташ қалид.  
Минбаъд мову, майю, нуклу айш нақд,  
Ни шодмон ба ваъдаву ни хоиф аз ваъид.  
Аҳд баъид шуд ки зи май тавба кардаем,  
Набувад баъид нақзи ченин аҳдҳо ба ийд.  
Ийд нав асту, ёр нав аст ва баҳор нав,  
Дорад зи ҳар жаид дилам лаззати жаид.  
Шуд бар мазид ишрати мо аз дуон шох,  
Бодаш ҳаминша давлати иқбол бар мазид.  
Жомий, шаккар лабони Самарқандро шудий,  
Аз жон мурид – “*яссарак Аллоҳу мо турид*”.

#### Мазмуни:

Соқий, жом шаклига кирди ийд ойн бу тун,  
Султон Абусаид давлатидан биза май сун.  
Шодликлар копусига рўза урган кулфни,  
Зар қалиг шаклинда ярим ой очди бугун.

<sup>80</sup> Мутрибий Абулхайр Султон (Ишқий) ҳаёти ҳақида “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”да ҳам гуларок маълумот берган.

<sup>81</sup> Темурий Султон Абусаид Мирзо (шаҳид. 1469 йил 6 феврал) кўзда тутилган.

Биргамоз энди, май, газал ва ишрат ҳам нақд,  
На ваъладан шодми<sup>82</sup>, на дилда кўрқув<sup>83</sup> устун.  
Майдан тавба аҳду паймони бўлди унут,  
Ҳайит куни ҳеч гапмас счилса бу тугун.  
Ийд янги, ёр янги, баҳор келмиш янгидан,  
Ҳар янгидан дил завқи янгиланди бутун.  
Шоҳ дуосидан орғиди ўйин-кулгу файзи,  
Унинг-да давлату бағти бўлсин доим фузун.  
Жомий, Самарқанд шакарлабларига бўлди  
Мурид: “*Оллоҳ, умидингга осон етирсун*”

Ҳазрат салтанатшиор Абулхайр Султон шундан сўнг “бу газалга Номий Ироқий куйидагича жавоб айтган” дедилар ва (шундан бир) байт ушбудир.

#### Байт:

Моҳ нав аст, ин ки шуд аз осмон паид,  
Ё “нун”и охири рамазон аст ва “айн”и ийд.

#### Мазмуни:

Ой янги бу окшом, чун бўлмиш осмонда пайдо,  
Ё “рамазон” сўнгидаги “нун”, “ийд”нинг “айн”и ё?

(Маълумки, рамазон ойн охирлагач, ийд (ҳайит) тантаналари бошланади ва шу сўзлар охири ва бошида келувчи араб алифбосидаги “нун” ҳамда “айн” ҳарфлари янги чиққан ҳилол ойга ўхшайди. Бу ерда шоир ана шу ҳолатларга ишора қилмоқда. – И.Б.)

Ҳазрат маҳдумимиз Ҳасанхожа Нисорий айтгувчи эдилар: Номий Ироқий Шамоҳин (ҳозирги Озарбайжоннинг Шамоҳи ноҳияси – И.Б.) кишлоғидан чиққан. Шеърлари ғоятда яхши ва ширин. Ирок (Эрон)нинг эътиборли шоирларидан бўлган. Аммо камбағаллик сабабли одамлар орасида кўпам назарга тушавермаган. Китобат санъатидан хабардорлиги орқасида рўзгорини зўрга тебратиб юрган. Истеъдодига яраша кадр топмаганидан [замон ҳукмдорларидан ранжиб], аммо таассуб эканини англамасдан маҳдумий хўжаста фаржомий [Абдурахмон Жомий] ва амири кабир Алишер

<sup>82</sup> Рўза пайти ёмон ишлардан тийилиш ваъдасини Худога бериш мусулмонлар учун байрам ҳисобланади.

<sup>83</sup> Ундан ташқари ваъданинг бажарилиши муҳтасиб (назоратчи)лар томонидан каттик текширилади, бу ерда шулар назарда тутилмоқда.



[Навоний] ҳазратлари обрўйи шаънига тегиб кетадиган назмий сатрлар битган ва бу қитъа ана шулар жумласидандир.

#### Қитъа:

Зоти ман мажмуан фазлу камоли олам аст,  
Гар харидоре набошад аз кужо Номий шавам.  
Кулгирий хуб медонам, вали куле кужост,  
Чун Алишере бубояд, то ки ман Жомий шавам.

#### Мазмуни:

Зотимда оламнинг бутун фазлу камоли жамдир,  
Чикмаса харидорим қандай ном чиқарсин Номий,  
Елкага чиқиш қийинмас, лек қани ўша елка?  
Битта Алишер керакдур, то бўлгунимча Жомий.

Ҳар қалай вақти-соати етиб, Чиғатой султонларидан бири бўлмиш Ширвоншоҳдан риоят ва паноҳ топибди. Маҳдумий хўжаста фаржомий [Абурахмон Жомий]нинг эътиборли шогирдларидан бўлмиш мавлонои мабрур Абдулғафур<sup>84</sup> мазкур Номийнинг юқоридагича андишасизлигини қоралаб, ушбу қитъани жуда ўринли айтганлар.

#### Қитъа:

Котиби Номии Шамохинро  
Кофтам, ёфтам ки бас омий аст.  
Бади устои банда мегуяд,  
Он ки машхур дар жаҳон Жомий аст.  
Гуфтамаш: дар ҳузури Ширвоншоҳ,  
Бади Жомий магу ки бад Номий аст.

#### Мазмуни:

Шамохиннинг номи чиққан котибин,  
Топдим ковлаб, чиқди-ку роса омий.  
Устозни ёмонлаб сўзлар айтибди,  
Ахир жаҳонда эмасми машхур Жомий.  
Дедим: Ширвоншоҳ ҳузурида сен  
Жомийни ёмонлама, ёмондир Номий!

(Охирги мисрада сўз ўйини бор: яна “бад + номий аст” - бадномликдир, маъносини ҳам беради – И.Б.)

<sup>84</sup> Устози Жомий хақида китоблар ёзган Абдулғафур Лорий (в. 1506) кўзда тутилмоқда.

Ушбу шикаста усулида ёзилган ғазалгина ҳам Номийнинг гуфторгинасидандир.

#### Ғазал:

Эй, ман асираки дилаки бевафоякат,  
В-эй жонакам, филояки жавру жафоякат.  
Ту шўхаку шангаку дашномакат хуш аст,  
Дашномаки ту жуям ва гуям дуоякат.  
Оё бувад ки пишаки ман хобакат барад,  
Тангак диҳам ба паҳлуяки хеш жоякат.  
Гаҳ бусаке деҳам кафаки пояки туро,  
Гоҳи неҳам ду дидаи равшан ба поякат.  
Бас ғамзаҳоят “Номияк”и хастаро бикуюшт,  
Номий шудааст куштаи ин ғамзаҳоякат.

#### Мазмуни:

Эй, мен бевафогина дилгинанг асиргинаси бўлган ёр,  
Эй, жонгинам жавру жафогинанг фидогинаси бўлган дилдор.  
Сен шўхгина, шангулгинасан ва дашномгинанг хушдир,  
Дашномгинанг соғинаман ва дуогинанг қиламан неча бор.  
Ёнгинамда уйкугинанг элитадиган пайт ҳам бўлармикан?  
Ёнгинамда жойгинангни яқингина солардим ўшанда мен зор.  
Гоҳ оёқгинанг кафтгинасидан ўпичгиналар олардим,  
Гоҳида эса икки кўзим сурардим оёқгинангта мен бедор.  
Ғамзаларинг дилхаства Номийгинани ўлдирди,  
Бу ғамзагиналаринг ўлдирган камина элда ном чиқарди яқбор!

Ҳазрати мавлоно Жалолиддин Румий – Аллоҳ сирларини муқаддас тутсин – ҳам шу тил билан шеър яратганлар:

Дар жаҳон, эй ёракон, албатта бояд ёраке,  
Нозукак, хубак, латифак, дилбарак, айёраке.  
Шоҳидак, шангак, малихак, дилрабоак, мушфиқак,  
Оқилак, соҳиби вафояк, резакак, пуркораке.  
Орифак, зийрак, надимак, чобукак, сиймин танак.  
Турфакак, шўхак, назифак, саркашак, дилдораке.  
Нозанинак, сарвиқадак, гулрухак, сийминбарак,  
Анбарин холак, хушак, мишқинхатак, таррораке.  
Лола руяк, жаъд муяк, му миёнак, фарбаҳак,  
Сархушак, мастак, харифак, ошиқак, ғамхўраке.



Соқияк, шаккарлабак, ширин даҳонак, сархушак,  
Турфакак, нағзак, зарифак, хуш хузурак, ёраке.  
Вақти он омад, Хусомиддин, хамеш кун Румияк,  
Зи онки ҳар жо ёраке бошад, бувад агёраке<sup>85</sup>.

*Мазмуни:*

Жаҳонда, эй ёргиналар, керакдур битта ёргина,  
Нозиккина, хубгина, латифгина, дилбаргина, айёргина.  
Гўзалгина, нафисгина, малиҳгина, дилрабогина, мунисгина,  
Оқилгина, вафолигина, ихчамгина, ишчангина.  
Орифгина, зийраккина, улфатгина, чаққонгина, оқбадангина,  
Турфагина, шўхгина, озодагина, ўжаргина, дилдоргина.  
Нозанингина, сарвиқадгина, гулрўхгина, оқтангина,  
Қорахоллигина, хушгина, лаби усти майсагина, дил ўғрисигина.  
Лола юзгина, жингалак сочгина, хипча белгина, билқ-билққина,  
Сархушгина, мастгина, ёргина, ошиққина, ғамхўргина.  
Соқийгина, шакарлабгина, ширин оғизгина, хушёргина,  
Хилма-хилгина, нағзгина, нозуккина, хуш хузургина, ёргина.  
Хусомиддин, Румийгинани жим қилиш вақти етди,  
Чунки қайда ёргина бўлса, албатта, у ерда бор агёргина.

**Олам аҳлининг шаҳзодаси МУҲАММАД ЗАМОН МИРЗО  
бин ШОҲРУХ МИРЗО БАДАХШОНИЙнинг  
чиройли васфи ва гўзал зикри**

Бу салтанат шиорли ҳазратнинг яхши табъи ва ёқимли хаёлот-  
лари бор эди. Тангри тақдири билан бир неча вақт шаҳарлар фахри  
Бухорода Қулбобо Кўкалтошнинг уйида маҳбус туриб, шу тутқун-  
лиги чоғи қафасга тушган қушлардек ором ва қарорини йўқотди.  
Баъзида олий топшириққа биноан фақирингиз бу Мирзо хизматиға  
борар ва латиф суҳбатидан кўп манфаатлар олар эдим.

Ушбу рубойисини жуда яхши айтганди.

<sup>85</sup> Мутрибий бу ғазал баҳрини “мусамман” ва вазнини “фаалатун фоилатун фоилатун  
фоилун” шаклида топган; Бу ғазал Румийнинг “Куллиёти Шамси Табризий” номи остида  
чоп этилган девони (Техрон, 1973)да йўқ. Аммо Хусомий Хивақий – Қорақўлий (1432-  
1506)нинг бир ғазали ушбу шаклда бўлиб, у бизгача етиб келган. Фақат унинг мақтаъи  
қуйидагича: Вақти он омад Хусомиддин, хамеш кун Румияке, Саҳмгинак, Қутбиддинак,  
Шамси беагёраке. Мутрибий Хусомий ғазалини янглишиб, бу ерда Румийга нисбат  
берган.

**Рубойӣ:**

То чанд ба куху дашт хайрон бошам,  
Чун булбули шурида дар фиғон бошам.  
Рузе бошад ки ҳамчу гул ханда занон,  
Дар гушайи гулшани Бадахшон бошам.

*Мазмуни:*

Қачонгача тоғу-даштда хайрон юргаймен,  
Ишқ ўтидаги булбулдай фиғон қилгаймен.  
Келармикин у кун гуллар каби очилиб,  
Бадахшон гулшани гўшасида шодон юргаймен.

Муҳаммад Замон Мирзо бир неча тадбирли кишилар кўмагида  
бу тутқинликдан қутулиб, Бадахшон вилоятига кетиб, яна ҳукумат  
тахтига ўтирган эса-да, тақдир ўқини тадбир қалқони тутиб қола  
олмагач, кўп ўтмай тагин асир тушди ва ўлдирилди.

Олий маконли бу шаҳзоданинг мухаммас ёзишга ажиб бир  
иштиёқи бор эди. Бир кун маҳдумий хўжаста фаржомий  
[Абдурахмон Жомий]нинг – *сирлари муқаддас бўлсин* – матлаъси  
қуйидагича бўлган ғазалини шариф қўли билан битиб, бу фақирга  
берди ва “агар манави ғазалга мухаммас боғласанг жуда яхши бў-  
ларди” деди.

**Матлаъ:**

Бас, ки чашмони ту хуни халқи олам рехтанд,  
Пушта, пушта кушта дар куйи ту бар ҳам рехтанд.

*Мазмуни:*

Кўзларинг, чун тўкмишлар олам аҳли қонин беҳад,  
Кўчангда ётар мурдалари уюм-уюм, қатма-қат.

Камина “буюрилган киши учун узрийдир” ҳукмига биноан  
қуйидагича беадабликка журъат қилдим.

**Муҳаммас:**

То ба жоми ишқбозон бодаи ғам рехтанд,  
Аҳли дил хуни жигар аз чашми пур нам рехтанд.  
Қудсиён дар осмонҳо ашки мотам рехтанд,  
“Бас, ки чашмони ту хуни халқи олам рехтанд.  
Пушта-пушта кушта дар куйи ту бар ҳам рехтанд”.  
Эй вужудат жомеъи мажмуъи фазлу камол,  
В-эй замират сонеъи маснуъи фикру хаёл,  
Дар азал аз маҳзи нур, эй офтоби безавол,



“Сад ҳазорон суврат андар қолиби хусну-жамол  
Рехтанд, аммо зи ту матбуътар кам рехтанд”.  
Эй, зи буйи сунбулмуят хижил мушки Хито,  
В-эй, зи тоби мохруят мунфаил шамс уз-зуҳо,  
Дар гулистон бо дили пурхун чу ғунча, борҳо  
“Бе лаби майгуни у мастон шароби нобро  
Аз қадах хўрданду аз мужгон ҳамондам рехтанд”.  
Гарче аз тан мебарад жон новаки мужгони ту,  
Лек сад жон медиҳад ҳар дам лаби хандони ту.  
Эй, ки сад раҳ поктар аз гул буд домони ту,  
“Нақшбандон гоҳ тасвири лабу дандони ту  
Дар даҳони ғунчайи тар иқди шабнам рехтанд”.  
Нозанино, найири аъзам наместонад ба ту,  
Маҳ че сон гуям туро, к-он ҳам наместонад ба ту.  
Ҳеч фарде аз бани Одам наместонад ба ту,  
“Ҳар че мебинам дар ин олам, наместонад ба ту,  
Шакли ту гуё на аз аркони олам рехтанд”.  
Ишқбозон дидаи равшан чу жоят сохтанд,  
Жони шириро ба ҳар соат фидоят сохтанд.  
Махрамони васл дил давлатсароят сохтанд,  
“Синарешони фироқ аз хоки поят сохтанд  
Хушк доруи ва бар болои марҳам рехтанд”.  
Дар жаҳон ҳаргиз надидам руйи айш ва беғамӣ,  
Файзи абри лутфи у овард то ру дар камий  
Хушк шуд, кишти умид, Мутрибий, аз бенамий  
“Аз гиши Жомий че сон руйд гиёҳи хурраме,  
Чун дар он вайрона тухми меҳнату ғам рехтанд”.

*Мазмуни:*

Ишқ йўлида бош тиканлар жомига бода қуйилган кундан,  
Бу дил аҳли намли кўзларидан жигар қони оқишга тушди,  
Осмонда қудсий руҳлар эса мотам кўз ёшин тўка бошладилар,  
“Кўзларинг олам аҳли қонин роса тўкканидан,  
Кўчангда мурдалари уюм-уюм қалашиб ётибди”.  
Эй, вужуди фазлу камол мажмуа (йиғинди)сининг тўплами,  
Ва эй, қалби маснуъ (сунъий) фикру хаёл яратгувчиси,  
Азалда соф нурдан яралган, эй завол кўрмас офтоб,  
“Хусну жамол қолипида юз минглаб юзу чехра қуйганлар,  
Лек сеникига ўхшаш матбуъ (табiiй)идан жуда кам ясашган.”

Эй, сунбул сочинг тароватидан Хитой мушки уятда қолган,  
Эй, ой юзинг ял-ял ёнипидан тонг куёши пушаймонлик сезган,  
Гулистонда қонли дил билан ғунча каби кўп маргалаб,  
“Унинг май мисол лабисиз, мастлар шароби нобни.  
Қадахдан сипқориб, шу захоти уни киприк орқали ерга қуйдилар.”  
Гарчи киприкларинг новаки жонни тандан жудо этса-да,  
Лекин ҳар дамда хандон лабинг юзта жон бахш этар танга,  
Эй, этаги гулдан ҳам юз баробар покрок санам,  
“Наққошлар гоҳи лаб ва тишинг тасвирини,  
Сенинг ғунча оғзинг ичида шабнам тизмасига терганлар.”  
Эй нозанин, кўкдаги куёш ҳам гўзаллигингга тенг кела олмас,  
Ой десам сени, бу ҳам тузук ўхшатиш бўла олмас ахир,  
Бани Одам боласидан ҳеч кимни сенга ўхшата олмасман,  
“Бу оламда нени кўрсам, ҳеч бири сенга ўхшамас,  
Гўё шаклинг сенинг бу олам моддаларидан қуймаганлар.”  
Кўзи қарочиғида сенга жой берган ишқ йўлини шоввозлари,  
Ширин жонларин ҳар соат йўлингга фидо қилурлар,  
Васл махрамлари эса дилни бахт саройига айлантирганлар,  
“Фироқингда сина тирнаганлар, сен босган тупрок гардидан  
Кукун дору ясаб, ўша яраларига даво ўрнида сепдилар.”  
Бу жаҳонда ҳеч кўрмадим айшу ғамсизлик юзин,  
Ёр лутфининг булуту баракатсизлик сари юз тутгач,  
Умид экинзори қуриб қолди, Мутрибий, сувсизликдан,  
“Жомий тупроғидан қандай униб чиксин яшил ўт-ўлан,  
Чунки бу жаҳонда фақат меҳнат ва ғам уругин сочган бўлсалақ

Тавсия: “*Дурар ан-назим фи фазоил ул-қурон ил-аъзим*”<sup>86</sup> к  
бида шундай ёзилган: “Ким маҳбус бўлса ва бу тутқунлик ва  
дондан тезда қутулиб кетмокни истаса, ушбу ояти қаримае  
“Юсуфнинг ҳузурига кирганларида...” деган жойидан то  
(Аллоҳ) билим ва ҳикмат соҳибидир”<sup>87</sup> дейилган еригача қоғ  
ёзиб, ўнг қўли биллагига боғлаб қўйса ва тонгда ва кеча  
шуларни узлуксиз қироат қилиб турса, албатта, *Ҳақ субҳонаҳ*  
*таоло* уни ул ҳибсдан қутқаргусидир. Яна шу маънода, ким  
“тур” сурасини ҳибсдан қутулиш нияти билан доимо айтиб т  
албатта, ҳибсдан нажот топади.

<sup>86</sup> Қуръон оятлари ҳосиятига бағишланган ва “Дурр ан-назм” ҳам деб аталувчи  
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Аҳмад Яманий (в. 1172) қаламига мансубдир.

<sup>87</sup> Қуръони қарим, Юсуф (12) сураси, 99-100-оятлар.



“Сад ҳазорон суврат андар қолиби хусну-жамол  
 Рехтанд, аммо зи ту матбуътар кам рехтанд”.  
 Эй, зи буйи сунбулмуят хижил мушки Хито,  
 В-эй, зи тоби мохруят мунфаил шамс уз-зуҳо,  
 Дар гулистон бо дили пурхун чу гунча, борҳо  
 “Бе лаби майгуни у мастон шароби нобро  
 Аз қадах хўрданду аз мужгон ҳамондам рехтанд”.  
 Гарче аз тан мебарад жон новаки мужгони ту,  
 Лек сад жон медихад ҳар дам лаби хандони ту.  
 Эй, ки сад раҳ покгар аз гул буд домони ту,  
 “Нақшбандон гоҳ тасвири лабу дандони ту  
 Дар даҳони гунчайи тар иқди шабнам рехтанд”.  
 Нозанино, наййири аъзам наместонад ба ту,  
 Маҳ че сон гуям туро, к-он ҳам наместонад ба ту.  
 Ҳеч фарде аз бани Одам наместонад ба ту,  
 “Ҳар че мебинам дар ин олам, наместонад ба ту,  
 Шақли ту гуё на аз аркони олам рехтанд”.  
 Ишқбозон дидаи равшан чу жоят сохтанд,  
 Жони ширинро ба ҳар соат фидоят сохтанд.  
 Маҳрамони васл дил давлатсароят сохтанд,  
 “Синарешони фироқ аз хоки поят сохтанд  
 Хушк доруи ва бар болои марҳам рехтанд”.  
 Дар жаҳон ҳаргиз надидам руйи айш ва беғамӣ,  
 Файзи абри лутфи у овард то ру дар камий  
 Хушк шуд, кишти умид, Мутрибий, аз бенамий  
 “Аз гиши Жомий че сон руюд гиёҳи хурраме,  
 Чун дар он вайрона тухми меҳнату ғам рехтанд”.

*Мазмуни:*

Ишқ йўлида бош тикканлар жомига бода куйилган кундан,  
 Бу дил аҳли намли кўзларидан жигар қони оқишга тушди,  
 Осмонда кудсий руҳлар эса мотам кўз ёшин тўка бошладилар,  
 “Кўзларинг олам аҳли қонин роса тўкканидан,  
 Кўчангда мурдалари уюм-уюм қалашиб ётибди”.  
 Эй, вужуди фазлу камол мажмуа (йиғинди)сининг тўплами,  
 Ва эй, қалби маснӯ (сунъий) фикру хаёл яратгувчиси,  
 Азалда соф нурдан яралган, эй завоҷ кўрмас офтоб,  
 “Хусну жамол қолипида юз минглаб юзу чеҳра куйганлар,  
 Лек сеникига ўхшаш матбуъ (табиий)идан жуда кам яшашган.”

Эй, сулбул сочинг тароватидан Хитой мушки уятда колган,  
 Эй, ой юзинг ял-ял ёнишидан тонг куёши пушаймонлик сезган,  
 Гулистонда қонли дил билан гунча қаби кўп марта лаб,  
 “Унинг май мисол лабисиз, мастлар шароби нобни.  
 Қадаҳдан сипқориб, шу заҳоти уни киприк орқали ерга куйдилар.”  
 Гарчи киприкларинг новаки жонни тандан жудо этса-да,  
 Лекин ҳар дамда хандон лабинг юзта жон бахш этар танга,  
 Эй, этаги гулдан ҳам юз баробар покрок санам,  
 “Наққошлар гоҳи лаб ва тишинг тасвирини,  
 Сенинг гунча оғзинг ичида шабнам тизмасига терганлар.”  
 Эй нозанин, кўкдаги куёш ҳам гўзаллигингга тенг кела олмас,  
 Ой десам сени, бу ҳам тузук ўхшатиш бўла олмас ахир,  
 Бани Одам боласидан ҳеч кимни сенга ўхшата олмасман,  
 “Бу оламда нени кўрсам, ҳеч бири сенга ўхшамас,  
 Гўё шақлинг сенинг бу олам моддаларидан куймаганлар.”  
 Кўзи қарочигида сенга жой берган ишқ йўини шоввозлари,  
 Ширин жонларин ҳар соат йўлингга фидо қилурлар,  
 Васл маҳрамлари эса дилни баҳт саройига айлантирганлар,  
 “Фироқингда сина тирнаганлар, сен босган тупроқ гардидан  
 Кукун дору ясаб, ўша яраларига даво ўрнида сепдилар.”  
 Бу жаҳонда ҳеч кўрмадим айшу ғамсизлик юзин,  
 Ёр лутфининг булуту баракатсизлик сари юз тутгач,  
 Умид экинзори куриб қолди, Мутрибий, сувсизликдан,  
 “Жомий тупроғидан қандай униб чиксин яшил ўт-ўлан,  
 Чунки бу жаҳонда фақат меҳнат ва ғам уругин сочган бўлсалар.”

Тавсия: “*Дурар ан-назим фи фазоил ул-қурон ил-аъзим*”<sup>86</sup> кито-  
 беда шундай ёзилган: “Ким маҳбус бўлса ва бу тутқунлик ва зин-  
 дондан тезда қутулиб кетмоқни истаса, ушбу ояти кариманинг  
 “Юсуфнинг хузурига кирганларида...” деган жойидан то “...У  
 (Аллоҳ) билим ва ҳикмат соҳибидир”<sup>87</sup>, дейилган еригача қозога  
 ёзиб, ўнг қўли билагига боғлаб қўйса ва тонгда ва кечалари  
 шуларни узлуксиз қироат қилиб турса, албатта, *Ҳақ субҳонаҳа ва*  
*таоло* уни ул ҳибсдан қутқаргусидир. Яна шу маънода, ким “Ват-  
 тур” сурасини ҳибсдан қутулиш нияти билан доимо айтиб турса,  
 албатта, ҳибсдан нажот топади.

<sup>86</sup> Қуръон оятлари ҳосиятига бағишланган ва “Дурр ан-назм” ҳам деб аталувчи бу асар  
 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Аҳмад Яманий (в. 1172) қаламига мансубдир.

<sup>87</sup> Қуръони карим, Юсуф (12) сураси, 99-100-оятлар.



## БАҲОДИР СУЛТОН бин Султон Саъидхоннинг чиройли зикри ва гўзал васфи

Кичик ёшли, аммо фазлу камол толиби ва ажиб бир хусну жамол соҳиб, юзи гўё гўзаллик мусхафидан бир оят ва Юсуф қиссаси юзининг чиройидан кўп хижолат бўлган бир подшаҳзода эди.

**Матлаъ:**

Эй, равзаи беҳишт зи кўят кинояте,  
Шарҳи жамоли хур зи рўят ривояте.

**Мазмуни:**

Эй, кўчаси жаннат боғин қилган хижолат,  
Хур жамоли шарҳи юзингдан бир ривоят.

Лаби устидаги сабза чизиқ гўзаллик авжининг қуёши устидан инкор рақамини тортган, сарвдек қадди чиройилилик бўстонида қомати адллик меъёрига етган эди.

**Муаллифдан:**

Бутон ки бар руҳи гул хат зи мушки ноб кашанд,  
Зи хатги худ рақами радд бар офтоб кашанд.

**Мазмуни:**

Санамлар чизиқ тортиб гул юзига мушки ноб ила,  
Хуснда беллашар инкор чизигин тортиб офтоб ила.

Дилга дор бўлгувчи жуфт зулфлари ва ўткир санчилувчи ханжардек қиличсимон киприклари бор эди.

**Матлаъ:**

Моҳи ман, ҳар че зи асбоби жамол аст туро,  
Ҳама бар важҳи камол аст “кама ла юхфо”.

**Мазмуни:**

Ойгинам, хусн асбобидан не бўлса сенда жам,  
“Ҳеч нарса пинҳон эмасдек” олий тарзда мужассам.

Ҳали бу фақир шеър айтмоқ водийсига қадам кўймаган ва шеър фанида бирон нарса ўқимаган кезларимда<sup>88</sup> бир кун мазкур шаҳзода “ушбу матлаъни мен ёзганман” деб қолдилар.

<sup>88</sup> Мурибий “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”да бу султон билан бошланғич мактабда бирга ўқиганини ёзган.

**Матлаъ:**

Раҳий намуда зи сифри даҳон чун “Тоҳо”<sup>89</sup>,  
Набурда пай ба румузи ченин муаммоҳо.

**Мазмуни:**

Оғизнинг тор дарчасидан йўл топди “Тоҳо”дек,  
Англамади бу муаммоларда не сир-асрор, лек.

Шаҳзода ҳаётининг ниҳоли ҳали ёшлиқ аригидан тўйиб сув ичмай ва салтанату қомронлик сарчашмасидан сероб бўлмай туриб фанонинг шитобли шамолига дош бера олмай, таг-томиридан кўпориқди, аниқроғи, жаннатмакон ҳоқон Абдуллоҳхон ва Самарқанд султонлари ўртасида рўй берган урушда ўлдирилди.

Латиф қабри бобоси Абу Саъидхон мадрасасида олий отаси ёнида жойлашган. Бу рубоийни эса қабри тошига нақш қилганлар.

**Рубоий:**

Султони жаҳон шоҳ Баҳодир султон,  
Бар авжи фалак бигашт моҳи тобон.  
Чун буд ба хуршид муқобил шабу рўз,  
Аз рашк фалак биқушт ва кардаш пинҳон.

**Мазмуни:**

Жаҳон султони шоҳ Баҳодир Султон,  
Фалак чўққисида эди моҳи тобон.  
Бўлгач рақиб қуёшга у туну кун,  
Фалак рашқдан ўлдирди ва қилди пинҳон.

## МУЗАФФАР СУЛТОН бин Жавонмардалихоннинг жалил васфи ва жамил зикри

Абулхайр Султоннинг ота бир, она бошқа иниси. Мазали суҳбатлари бор эди. Ҳамиша олий хотири ҳимматини фазилатлар қўлга киритишга қаратарди. Фаҳму идроки ўткир ва таъби дилжу эди. Отасини ўлдирганларидан сўнг уни ҳам қатлга еткардилар<sup>90</sup>. Бу матлаъ ва рубоий унинг латиф гуфторидандир.

<sup>89</sup> “Тоҳо” (20) сура номи ва “пайғамбар” деган маънони ҳам англатади. Бу сўз талаффузида оғиз “сифр” (нол) шаклини олади, бу ерда фикр шу ўхшатиш орқали билдирилмоқда.

<sup>90</sup> Музаффар Султон отаси ўлдирилган 1578 йил октябрида қочишга улгуриб, Тошкентга ва Ҳисор, Бадахшонга Муҳаммад Замон Мирзо олдиға қочиб боради. Аммо Абдуллоҳхон Ҳисорни эгаллаш пайти қўлга тушиб, қатл этилади.



**Матлаъ:**

То ба қатлам ханжари хунрез он дилбар кашид,  
Жонам аз дарди жудоний оҳ аз дил бар кашид.

**Мазмуни:**

То қатлим учун конли қилич ул дилбар тортди,  
Жон жудолик дарди ила оҳни дилдан тортди.

**Рубоий:**

Паймонаи май ҳарифи дерини ман аст,  
Ҳам суҳбату ҳамнешин ва ойини ман аст.  
Рӯзе ки агар май нахӯрам, мемирам,  
Гуё майи талх жони ширини ман аст.

**Мазмуни:**

Май қадаҳи эски қадрдон менга,  
Суҳбатда улфат – жумла жаҳон менга.  
Май ичмаган кун, ўлган куним, билмам,  
Аччиқ маймидир ё ширин жон менга?

Бир кун Абдуллатифхоннинг жаннат боғларини эсга солувчи чаҳорбоғида булбулларнинг мастлиги бошланувчи гул мавсуми чоғи мазкур шаҳзоданинг ўтиришига етишдим. Ўйин-кулгу мажлиси кизиган – мутриб ўтирган, соқий турган эди. Бир пиёла май узатдилар. Узр сўраб, “бу нарсадан тавбам бор” дедим. Ҳазрат салтанатпаноҳ бу гапимдан садбарг гулидек гул-гул очилиб, мана бу китъани ўкидилар.

**Қитъа:**

Ҳар кас ки тавба кард ба вақти гул аз шароб,  
Гу, тавбааш қабул кунад ғофир уз-зунуб.  
Тоиб шудан ба вақти гул аз лутфи таъб нест,  
Соқий биёр бода, ало рағми ман ятуб.  
Қатъи таъаллуқ аз ҳама лаззат кардаем,  
Илло, зи жоми бодаи софеву рўйи хуб.

**Мазмуни:**

Гул фасли шароб ичса ким тавбасин бузуб,  
Айт, бу гуноҳин кечирар “ғофир уз-зунуб”<sup>91</sup>.  
Гул фасли шаробдан тавба таъб иши эмас,  
Соқий бода келтир “ало рағми ман ятуб”<sup>92</sup>.

<sup>91</sup> Ғофиру-з-зунуб – Айбларни кечирувчи (Худо).

<sup>92</sup> Ало рағми ман ятуб – Тавба қилганига қарамай.

Барча лаззатлардан тийинганмиз, лек фақат,  
Мустаснодир бундан май жоми-ю руйи хуб.

Шундан сўнг шу ердаги кийғос очилган бир даста гул ғунчасига қараб: “Агар мана шу ғунча ва ушбу гулдун ўтиришимизга яраша ғазал айтсанг, сени шароб ичиш мажбуриятидан озод қиламиз”, – дедилар. Фақир бир оз ўйланиб олгач, мана бу ғазални тўкиб, арзларига етказдим.

**Ғазал:**

Ба боғ ғунча суҳан чун зи лаъли дилбар кард  
Сабо даҳони уро пур зи хирдайн зар кард.  
Нешин ба пойи гул ва бода хўр ки нақхати гул  
Ҳавойи боғ чу фирдавс руҳпарвар кард.  
Хуш он касе ки дар ин базмгоҳ нақди ҳаёт  
Мудом сарфи майи ноб ва жому соғар кард.  
Дило, махўр ғам рузе, асири ҳирс мабош,  
Ки мерасад ба ту ризқ онче ҳақ муқаддар кард.  
Зи Мутрибий ҳама буи шароб меояд,  
Қазо ба бода магар тийнаташ мухаммар кард.

**Мазмуни:**

Боғда дилбар лаби васфин ғунчаи тар этди,  
Сабо оғзин анинг олтин кукун-ла зар этди.  
Ўтир гулга бақамти, май сипкор, чун гул иси  
Боғ ҳавосини жаннатдек руҳпарвар этди.  
Хушбахт ул кишиким, бу базмгоҳ ичра доим,  
Ҳамроҳин гар майи нобу жому соғар этди.  
Эй дил, бу кун ғамин ема, бўлма ҳирсга асир,  
Етгуси ул ризқким, Ҳақ сенга муяссар этди.  
Мутрибийдан бошдин-оёқ анкир шароб хиди,  
Тийнатин майдин магар қазову қадар этди?

Ва ниҳоят шаҳзода орадаги муомалани бир пиёла кўкнорга алмаштириш йўли билан ҳал қилдилар.

Тавсия: Кимки шаробга муккасидан кетиб, ичишни ўзининг доимий одатига айлантирган ва ундан кутулиш ниятида бундан сўнг сира шароб ичмайман, дея аҳд қилмоқчи бўлса, мусҳафдан сураин “Мўъмин”ни ёзиб олиб, ўз бўйнига боғласин ва Ҳақ таоло бу сура баракотидан унинг май ичишга бўлган иштиёқ ва майлини сўндиради.







Муродига етган ва ғалабаларни қўлга киритган шаҳаншоҳ  
ПИРМУҲАММАД СУЛТОН бин МАЛИК СУЛТОНнинг  
чиройли васфи ва нақшли зикри

Ғоятда фозил ва латиф таъби адолатга мойил подшоҳдир. Фаросатлари ва шижоату, саховат бобидаги жонбозликлари юргизаётган ишсиёсатидан маълум равшан. Доимо, албатта, Аллоҳ адолатга ва чиройли амалларга буюрур<sup>95</sup> ояти каримаси мазмунига кўра адолатни ўзининг доимий шиори қилиб, шаҳриёрлик ва мақсади ҳосиллик байроғини баланд ҳилпирагандек ва ҳаминша эҳсон ва бахшиш хислатини совуту дубулгадек эгнига ташлаб, олиму фозил ва шоирлар, умуман, барча тоифа халқ ёнини олмоқда. Зеро, подшоҳлар учун барча хислатлар ичида энг яхши ва аълоси адолат ва эҳсондир.

**Назм:**

Адл бояд подшоҳонро ва дод,  
То зи адлаш оламе гарданд шод.  
Подшоҳи завқи маъно бўрдан аст,  
Не ба жавру зулм дунё хўрдан аст.

*Мазмуни:*

Подшоҳлар адл ила сўрсин халқдин дод,  
Адлдан олам аҳли бўлсин доимо шод.  
Подшоҳлик халққа ҳаёт завқини татитмоқ,  
Эмас жабру зулм-ла дунёни ямлаб ютмоқ.

Салтанат паноҳли ҳазрат Пирмуҳаммад Султоннинг олиму фозил ва шоирларга нисбатан эътибор ва ҳурмати чексиздир. Ва айтиб ўтиш лозимки, чиройли номи зикрини ҳали ўрни билан китобимиз давомида баён этмоқчи эканимиз муқаррар хуштабълардан бири ва сўз санъати пири Мавлоно Нозимий шу кунларда ул салтанатпаноҳ султон риояти туфайли худди чиққан пайти ёшу қари бармоғи билан кўрсатувчи янги ойга ўхшаб, ҳамманинг диққатини ўзига қаратиш даражасига етган ва ижоддаги дўсту ёронларидан ўзиб кетганлар.

Ушбу бир минг ўн учинчи (1013)<sup>96</sup> йили Самарқанд вилояти чегарасининг нарёғидан то Хўжанд дарёси қирғоғигача худуд ул

<sup>95</sup> Қуръони карим, Наҳл (16) сурасидан 90-оят.  
<sup>96</sup> 1013 йил – 1604 йил 30 май – 1605 йил 18 май оралиғи.

олий мақомли шаҳриёр ҳукумати тасарруфидадир ва у ерлардаги барча халойик ва тамоми фуқаро ул султон адолати булути томчилари баракатидан хузур-ҳаловатда, унинг ҳимояси шарофатидан роҳат ва фароғатда ҳаёт кечирмоқдалар.

Бир куни жаноб Мавлоно Нозимий мазкур подшаҳзоданинг таъб хазинасидан ушбу дилни ўғирловчи ғазалини мишкин рақамли қалами билан рақам қилиб, каминага лутф этди.

**Ғазал:**

То орзуйи жон зи лаби нушханди туст,  
Дар жисми хаста жон зи вафо мустаманди туст.  
Қурбон шавам ки тири мужжа аз роҳи вафо  
Бинишаста дар дилам зи камони баланди туст.  
Барзахми дил зи резайи олмоси ғусса рез,  
Чун умрхост хун шудан дардманди туст.  
Ҳаргиз ҳаёл гулшани ризвон намесунад,  
То мурғи дил фитода ба қайди каманди туст.  
Раҳме ба ҳоли Халқини озурда дил ки у  
Сайду ҳалоки тири нигоҳи кушанди туст.

*Мазмуни:*

То жон орзуси сенинг ширин-шакар лабингдадур,  
Ул вафоли жон хаста жисм аро сенга бандадур.  
Қурбон бўлай – киприк ўқинг ваъдага айлаб вафо,  
Жой олди дилим тўридан, то жон борким тандадур.  
Дилим ярасига ғусса олмоси кукунин сеп,  
Чун бир умр қон бўлиб, ишқингда дардмандадур.  
Ризвон гулшани келмас ҳаёлга, токим дил куши  
Тузоғинг тўрида ётмиш, қўл-оёғи банддадур.  
Озурда дил Халқийнинг ҳолига бир раҳм эт ки, у  
Дом аро дер: қотил нигоҳинг ўки бадандадур!

Билгил, подшоҳлар адолат ва эҳсон бобида халқ оммасига қараганда айрича масъулиятга эгадирлар. Тонгла киёмат куни Ҳақ субҳонаҳа ва таоло подшоҳлардан дастлаб адолати хусусида сўрайди, улар учун ҳеч бир ибодат адолат хислатидан устунроқ бўла олмайди.

Пайғамбарлик боргоҳининг шоҳаншоҳидан – *саллоҳи алайҳи ва саллам* – ривоят қилинувчи бир ҳадис бор: “Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан яхшироқдир”. Яъни, подшоҳнинг бир соатлик адолати, у озми ё кўп, бир обиднинг олтмиш йиллик кечаяю кундуз тинимсиз қилган ибодатидан афзалроқдир.



Ва донишмандлар демишлар: “Одил подшоҳ [сахрода ёккан] ёмғир ва [сахрода нажот ҳисобланган] туядан ҳам яхшироқдир”. Демак, мақсади ҳосил султонлар ва қудрати комил хоконларнинг халқу халойиққа нисбатан шафқат ва инсоф йўли қондасига риоят қилмоқлари вожиб турур. Зеро, жаҳоннинг назму тартиби ва давроннинг осойишталиги подшоҳларнинг адолатига бориб тақалади. Ва шохликнинг энг асосий бойлик ва хазинаси раъият халқидир.

**Байт:**

Чун хазина ба мол маъмур аст  
Лашкари шахриёр мансур аст.

*Мазмуни:*

Хазина мол ила бўлса маъмур,  
Ғалаба шох лашкари саридур.

Раъиятнинг вайронлиги эса подшоҳнинг зулмидан нишонандир, қайси бир подшоҳ ўзига зулми шиор ва касб қилиб оларкан, унинг мамлакат ва давлатига ҳеч қачон пойдорлик бўлмас, ул ҳукмдор ва ҳукуматнинг умри узокқа бормас.

**Байт:**

Подшоҳе ки тарҳи зулм афканад,  
Бўни девори мулки хеш биканад.

*Мазмуни:*

Зулму ситам маслаҳатин қилса қай бир подшоҳ,  
Ўз давлати деворин қўпорур тагидан ҳар гоҳ.

### Шаҳзода ФҶЛОД СУЛТОН бин АБДУЛҚУДДУС СУЛТОНнинг чиройли васфи ва гўзал зикри

Ажойиб хуштабъ ва ширин калом бир подшаҳзода эди. Доимо фазл аҳлига риоятлар қиларди ва бу тоифанинг иззат-икромини соат сайин оширарди. Гоҳи қалб қувончи учун назмгиналар ҳам лутф қиларди. Ва ушбу рубоий ул жанобга мансубдир.

**Рубоий:**

Шаб аз тани нотаваон ба жуз нола нахост,  
Омад ба дили ҳазин ситам аз чапу рост.  
Аз ҳолати худ дил ба забон мегуяд:  
Жонро ба суйи дўст магар завқи хавост?

*Мазмуни:*

Тунда беҳол тандан чикарди факат нола,  
Зор дилга ўнг-сўлдан ситам эди хавола.  
Тилга кириб дерди дил ўз ҳолидан: ё жон  
Кетмоқ истарми дўсти сари, боқ бу ҳола.

Отаси ўлдирилгач, ул шаҳзодани ҳам қатлга еткардилар.

### САЙИД МУҲАММАД СУЛТОН бин КЕСИК<sup>97</sup> МУҲАММАД СУЛТОН СОҒАРЖИЙнинг чиройли васфи ва гўзал зикри

Бу номдор шаҳзоданинг шеърдаги таҳаллуси Киромийдир. Шеърни яхши айтарди ва маъно дурларини моҳирона тарзда назму тартиб ипига тузарди. Бу ғазалини ҳам ниҳоятда яхши айтган.

**Ғазал:**

Ба шамъ нест гар имшаб ҳавойи сузу гудоз,  
Зи бол баҳри че парвона шуд шамома навоз.  
Шарораҳо шаби ҳижрон зи оташи оҳам,  
Ба чашми халқ намоюд чу тўрфи оташбоз.  
Туйи ба давлату дин шох, оқибат Маҳмуд,  
Манам ба дарғаҳи ту бандайи камина Аёз.  
Сирре ғуломият ар нест, боз рафта чаро,  
Ба ўзр гардан бар баста гашта ояд боз.  
Бар остони ту, эй мах, Киромии мискин,  
Ниҳода руй, тазаллум мабин, ба хоки ниёз.

*Мазмуни:*

Бу тун агар шам бошида куйиб-ёнмоқ ҳаваси бўлмаса,  
Унда нега парвона қанотидан айрилиб қолди?  
Ҳижрон кечаси оҳим оташидан чиққан учкунлар,  
Халқ кўзига кўзбойлагичнинг ўт пуфлаши бўлиб кўринади.  
Сенсан давлату дин шоҳи, охири бахайр (маҳмуд) бўлсин,  
Менман саройингдаги кўзга илинмас ўткинчи шабада (аёз)<sup>98</sup>.  
Сенга бандаликда гар бир сир бўлмаса, нега кетган одам,  
Бошин қуйи солиб, тагин эшигинга қайтиб келади?  
Остонангга, эй ой, мискин Киромий юзюн суртмоқда,  
Ўйлама, тагин зулм этмоқда у эҳтиёж тупроғига, деб.

<sup>97</sup> “Мусаххир ал-билод” китобида бу ном “Кепак Муҳаммад султон” шаклида берилган.  
<sup>98</sup> Бу байтда сўз уйини бор: Сен шох Маҳмуд Ғазнавий, мен эсам унинг саройидаги ҳақир қули Аёзмен.



**ТАСМИЯНИНГ УЧИНЧИ ИСМИ МУАЛЛИФ УЛАРНИ  
КЎРМАГАН, ДУР СОЧУВЧИ ШЕЪРЛАРИНИ ЭСА  
ЎЗГАЛАРДАН ЭШИТГАН СУЛТОНЛАР ЗИКРИДАДИР**

**Сарварлик осмонининг қуёши ва адолату инсонпарварлик  
буржининг ойи МУҲАММАД РАШИДХОН КОШҒАРИЙНИНГ  
чиройли васфи ва гўзал ёди**

Фазилат шиорли ва адолат осорли бир подшоҳ эди. Ҳамиша набавий шариатнинг баланд устунли қасрини адолат қондаси асосида бунёд этишга уринар ва доимо мустафавий – *саллаллоҳи алайҳи васаллам* – миллатнинг бузилмас пойдеворини инсоф бошқаруви билан мустаҳкамлашга тиришар эди.

Ва салтанат, жаҳонбонлиқ ва ҳашамат, комронликка қарамасдан, дарвишлик либоси ва дилрешлик палосида умр ўтказарди ва бўлар-бўлмас таомлардан парҳез тутишга қаттиқ риоя қиларди.

**Назм:**

Тухм лукма аст дар обу гили ту,  
Мекунад ҳамчу хўди ҳосили ту.  
Гул нишони биафрузад гулшан,  
Хор кори, бидаронад доман.

**Мазмуни:**

Суву хокдан ясалган танда уруғ овқат,  
Не эксанг шуни оласан бил ҳар вақт  
Гул уруғин сочсанг, унадир гулзор,  
Тикан эксанг, тирнаб етказар озор.

Бу подшоҳ ўзининг овқат ва кийими учун кетадиган маблағни китобат хунари орқасидан таъминлар экан. Хожа Абдулла Кошғарий фақирга деган эди: “Ҳазрат салтанатшиорий бир кунда миңг байтдан ортиқ нарса ёзардилар”.

Таъълари яхши эди ва мана бу ғазалини шаҳарлар фахри Бухорога юбориб, ҳазрат махдумий Ҳасанхожа Нисорийдан жавоб битишларини сўраган эдилар.

**Матлаъ:**

Ба андалиб надорад сари сухан гули сурх,  
Магар ки муҳр ниҳода аст бар даҳан гули сурх.

**Мазмуни:**

Булбул билан тиллашмадиё кизил гул,  
Оғзига муҳр босибдими-ё кизил гул?

Ҳазрат махдумий [Нисорий] эса мазкур ғазалга жавоб айтиб юборган эдилар. Ўша ғазалнинг мақтаъсидан бошқаси эсимда қолмагани учун ушбуни ҳавола этиш билан чегаралансам.

**Мақтаъ:**

Нисорий, аз гулу гулшан намебарам бую,  
Ба ноз то надихад гулрухе ба ман гули сўрх.

**Мазмуни:**

Нисорий, гулу-гулшандан етмас бирон тароват,  
То бир гулзлик бермагунча менга кизил гул.<sup>99</sup>

Ҳожилар етакчиси жаноб Ҳожи Чашмон шундай деган эдилар: “Ҳазрат Рашидхон баракатли вақтини кўпинча Қуръони мажидни тиловат қилиш ва фурқони ҳамидни ўқишга сарфлар эдилар”

Шундай, эй азизим, олимлар Подшоҳининг Каломини тиловат этиш тоатларнинг энг шарафлиси ва ибодатларнинг афзалидир. Бу ҳақда оятлар инмиш ва ҳадислар етиб келмишдир.

Аллоҳи таоло: “Мана бу эса Биз нозил қилган муборак Қуръондир! Бас, унга эргашиңиз ва (Аллоҳдан) кўрқингиз! Шояд раҳматга эришсангизлар<sup>100</sup>” – деб буюрган.

Аллоҳ расули – *саллаллоҳи алайҳи васаллам* – деганлар: “Қуръони карим Аллоҳи таолодан ўзга барча нарсдан аълороқдир. Кимки Қуръонни хурмат қилса, Худойи таолони хурмат қилган бўлади ва кимки Қуръон хурматини писанд этмаса, гўё Худойи таолони хурмат қилмагандек бўлади” – *наузу биллоҳи мин залика*.

Ва Қуръон хурмати икки хилда адо этилади: биринчиси шакл ва иккинчиси мазмун билан. Шаклий хурмат Қуръонни эшитган пайтингизда “Қачонки, Қуръон қироат қилинса, унга кулоқ тутиңгиз ва жим туриңгиз<sup>101</sup>” ояти каримаси ҳукмига биноан бутун

<sup>99</sup> “Музаққир аҳбоб”да Рашидий ғазалининг уч байти берилган бўлиб, унга Ҳожи Муниддин ахрорий томонидан куй басталангани айтилган. Рашидийнинг бу ғазали Нисорийга юборгани ва Нисорийнинг унга жавоб ёзгани ҳақида умуман гап йўқ. Мақтаъдаги “Нисорий” ўрнида ҳам “Рашидий” номи келган. Хотирасига қаттиқ ишониниш тутган Мутрибий шу сабабли бу ерда ноаниқликка йўл қўйган.

<sup>100</sup> Қуръони карим, Анъом (6) сурасидаги 155-оятдан.

<sup>101</sup> Қуръони карим, Аъроф (7) сурасидан 204-оят.



вужудингиз кулоққа айланиши лозимлигидир; мазмундаги ҳурмат эса унинг буюрганлари ва таъқиқлаганларига эътиборсиз бўлмаслик, яъни шу буюрганларини адо этмоқ ва таъқиқлаганларидан узоқ юрмоқдир.

### Назм:

Аҳли қуръонро шараф аз хондани Қуръон бувад,  
Мунис аз Қуръон гузинад ҳар киро иймон бувад.  
Ҳаст Қуръон баҳри илму кони файзу марҳамат,  
Илм аз Қуръон талаб, зеро ки зар дар кон бувад.

### Мазмуни:

Мусулмонларга шон-шараф Қуръонни ўқимоқдан етгуси,  
Иймонлик киши улфатнимас, Қуръонни ўзига дўст этгуси.  
Қуръон илмлар денгизи-ю файзу марҳамат конидир, билгил,  
Қуръондин иста илмини, чун олтин маъдани конда битгуси.

Ва Раҳматуллоҳ и-л-оламиннинг “Бурда” [хирқа]си қасидаси нозими шайх Бусирий Қуръон васфида буюрмишлар<sup>102</sup>.

### Шеър:

Лаҳа’ ма-ъа’нин камавжил-бахри фий мададин,  
Ва фавқа жавҳарихий фил-хусни вал-қийами.  
Фала’ ту-аъдду ва ла’ тухсо’ ъажа’ибуҳа,  
Ва ла’ туса’му ъалал-икса’ри бис-саами.  
Қаррат биҳа’ ъайну қо’рийҳа’ факулту лаҳу:  
“Лақад зафирга биҳаблилла’ҳи фаътасими”.

### Мазмуни:

Маънолари денгиз тўлқинларидек бир-бирига мададкор,  
Гўзалликда тенгсиз алар хусни, қимматда ҳам бетакрор.  
Сон-саногсиз ажойиботу фазилатлар конидир бул китоб,  
Тегмас меъдага – малолсизлигидан тарк этилмас бир бор.  
Ўқиганнинг кўзлари тортар равшан ва дегум ул ўқувчига:  
“Қўлинг етмиш Аллоҳ арқонига, қаттиқ тут, қўймағил зинҳор!”

\* \* \*

Дили пур дардро даво Қуръон,  
Жони мажруҳро шифо Қуръон.

<sup>102</sup> Муҳаммад бин Саъид Бусирий (1212–1292)нинг пайгамбар хирқасига бағишланган “Қасидаи Бурда” асари кўзла тугилмоқда. Бу асар араб тилидан Сайфулдин Сайфуллоҳ томонидан ўзбекчага ҳам таржима қилинди: Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусирий. Қасидаи Бурда. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.

Ҳарчи жуи зи насси Қуръон жуй  
Ки бувад ганжи илмоҳо Қуръон.

### Мазмуни:

Дардли дилларга даводир Қуръон,  
Мажруҳ жонларга шифодир Қуръон.  
Истаганинг изла сен Қуръондин,  
Илмлар ганжиги маъводир Қуръон.

**Ҳикоят:** Иброҳим Шайбоний шундай нақл қилади: Кемада ўлтирган эдим. Бир пайт қарши эсувчи шамол кўзгалди ва устма-уст тўлқинлар қавати фалакка ўрлади. Кема аҳли кўрқувга тушдилар ва жону молдан кўнгил узиб, ҳар бири дуо ва оху зорга киришдилар. Ишлари бир-бирига васият этмоқ ва илинжлари молларини бир-бировига омонат қолдирмоқ бўлди. Кеманинг бир чеккасида бир дарвеш ўтирар ва бир нусха мусхафни ёнига қўйганча Қуръон ўқирди. Унга яқинлашиб, “Эй дарвеш, сен ҳам дуо-иятижо қилгил ахир!” дедим.

Дарвеш ўрнидан кўпди ва кўлига мусхафни олиб, шундай деди: “Илоҳим! Кимнинг кўлида султонлик хати бўлса, бу дунёда ҳеч ким унга тега олмас ва балолардан омон сақланар. Менинг кўлимдаги эса сенинг бизларга қарам юзасидан берган хатингдир. Кўлимизда шу номанг бўлатуриб, чўкиб ўлишимизни раво кўрмассан?”

Дарвеш шу сўзларни айтиши билан кўп ўтмай шамол тўхтади ва тўлқинлар пасайди ва ғойибдан: “Қаломимиз бу дунёда ғарқ бўлишдан ва охиратда ўтда куйишдан сақлайди” деган овоз келди.

Ҳа, кимки Худойи таоло каломидан паноҳ истаса, бу дунё ва охиратда нажот топгусидир.

### Ёрқин фазилатлар эгаси бўлган шахзода МУҲАММАД ҲАКИМ МИРЗО КОБУЛИЙНИНГ ЧИРОЙЛИ васфи ва гўзал зикри

Ҳазрат салтанат шиорий Муҳаммад Ҳаким Мирзо ғоятда хуш-табъ эдилар.

Ва адолат йўлидан яхши бир йўсинда қадам босардилар. Илмларни олимлар олими, холик ва халқ олдида мақбул қози Муҳаммад Содик охунд [Самарқандий] суҳбатида қўлга киритиб, замон ягона-



си ва жаҳон дурдонаси бўлган эдилар. Шариф мажлиси доимо олим  
му фозиллар ва шоирлар йиғини бўларди. Ҳиммати баланд ва наза  
ри аржуманд бўлиб, ҳеч бир онини садақа ва эҳсон бермасдан ўт  
казмасди.

Жаноб Жамолиддин ҳофиз Абдурраҳим музаҳҳиб ул зотни  
роса таърифлар ва ушбуларни айтар эди: Жаноб салтанатпаноҳий  
мусиқа илмида ҳам ажиб маҳоратли эди. Зарбу нутқи мувофиқ ту  
шар ва нағмалари товуши ҳиддат (баландлик) ва сақил (оғирлик)да  
бир-бирига мутобиқ ва тўғри келар эди. “Хусайний” оҳангида “Дав  
ри шохий” усули билан дилкаш бир нақш боғлаганларким, ийқоъ  
конунлари созандалари ва таълиф вазнлари навозандалари ул амал  
да “Хафиф” усули билан жуда яхши бир Савту-л-амал боғлаган  
эдилар ва ҳар Сархонадан Мураққаъга ва Миёнхонадан Панжгоҳга  
ўтилар ва бозгуда Шаҳноз, унинг лавозимини эса Ушшокқа айлан  
тирган бўлиб, ғоятда дилпазир ва ажаб беназир бир асар бўлган  
эди.

#### Мисраъ:

Завқи ин май нашиноти, ба Худо, то начаши.

#### Мазмуни:

Бу май завқини, Худо ҳаққи, татиб кўрмагунча билмайсан.

Шеърлари ёниб-куйиб айтилган ва сўзлари дилларни алағала  
тувчидир. Қозилар қозиси жаноб қози Муҳаммад Ориф бин қози  
Муҳаммад Содик Самарқандий бу фақирга “ушбу матлаъ ва рубоий  
ул ҳазрат салтанатпаноҳ таъби ганжинасидандир” деган эдилар.

#### Матлаъ:

Чун шамъ сухтам зи ғамат сарвинози ман,  
Равшан нагашт пеши ту сузу гудози ман.

#### Мазмуни:

Сарвинозим, куйдим шамдек, тортидим хира,  
Билмадинг сен ул куйиб-ёнишим сира.

#### Рубоий:

Бо ёди туам, хуш аст, жоно ҳама ҳол,  
Рўзона дар андишаву шабҳо ба хаёл.  
Ғар бо ту наям, бе ту наям, дар ҳама ҳол,  
Хоҳй, ба фиरोкам куш ва хоҳй ба висол.

#### Мазмуни:

Ёдинг била эрсам, хушдир менга барча хол,  
Кундузи кўрқув, кечаси бошда минг хаёл.  
Ғар йўқман ёнингда, лек сен ила мен мудом,  
Хоҳ ўлдир фиरोқ-ла, йўқса ўлдирсин висол.

#### Олий мақомли, улуг номли шаҳриёр ШАЙХУ ПОДШОҲНИНГ чиройли васфи ва гўзал зикри

Жамшид мансабли, юлдузлар сонича лашкарли Жалолиддин  
Муҳаммад Акбар подшоҳнинг азиз фарзандидир. Ниҳоятда олий  
ҳиммат подшоҳ бўлиб, фазл аҳлига жуда яхши риоят ва тарбиятлар  
кўргузарди. Жаннат ойин-қоидали мажлиси доимо олим ва солиҳ  
одамларга тўла бўларди.

Санжида таъби ва писандида гуфтори бор эди. Бу рубоийни  
жуда яхши айтган.

#### Рубоий:

Дар васл зи андишайи дури фарёд  
Дар ҳажр зи дарди но сабури фарёд.  
Афсус зи маҳрумийи дийдор, афсус,  
Фарёд зи ҳижрони зарури, фарёд.

#### Мазмуни:

Васл чоғи айро тушмоқ ваҳмидан фарёд,  
Ҳижронда сабрсизлик захмидан фарёд.  
Афсус дийдор маҳрумлигидан, афсус,  
Ночор айрилиқнинг ғамидан фарёд.

#### Шаҳидлик бахтини топган шаҳзода – Худо уни раҳмат қилсин – МУҲАММАД РАҲИМ СУЛТОН бин ҲОЖИМҲОН ХОРАЗМИЙнинг чиройли васфи ва гўзал зикри

Латифтаъб, покиза мизож подшаҳзода эди. Баракатли вақтини  
ҳамиша илму фазилатлар касб этишга сарфлаб, кўп илмларни ўз  
лаштирган ва ўзини ҳеч бир илмдан куруқ қўймаган эди.

Насхтаълиқ хатини чаптастлик билан шундай яхши ёзардики,  
қаламдан бошқа ҳеч ким унинг ҳарфи устидан бармоқ боса олмасди.



Тазҳиб ва тасвир илми ва амали соҳаси ҳамда наққошлиқнинг бошқа ишларида ҳам Бехзод шогирдларидан яхшироқ намоён бўлар ва иккинчи Монийликка даъвогарлик қиларди.

Шеър фанида ҳам маҳоратини намоён этиб, ҳазрат махдумий Ҳасанхожа Нисорийга меҳр-муҳаббатини ғойибона тарзда пок дили даласига эккан ва доимо хат ва совға-саломлар алмашиб туриш эшигини очиб қўйиб, ўзининг яхши шеърлари ва дилкаш назмларини хат йўллаш йўсини билан устозга юбориб турарди.

Тўққиз юз тўқсон саккизинчи (998)<sup>103</sup> йили камина Бухорода пайтим *Лайли ва Мажнун* отлиғ бир китобни туркий тилда тасниф этиб, ҳамда уни шариф қўли билан чиройли ёзувда битиб, тазҳиб ва тасвирни ундан ортигини тасаввур қилиб бўлмайдиган санъат даражасига етказиб, махдумий [Ҳасанхожа Нисорий]нинг муборақ мажлисига юборган ва бу китобни ўз кўзим билан кўрган эдим. Ибораларининг латофати ва истиораларининг назокати юзасидан шундай даражада эдики, қилни қирқ ёрувчи ақл унинг васфини таҳрир ва таҳририни васф этишдан ожизлик қиларди.

Жаннатмакон хоқон Абдуллоҳхон Хоразм вилоятини истило қилган ва шу ўлка султонларини асир олиб, Соғарж қишлоғига жўнатганларида ул фозил шахзода ҳам мазкур мақсади ҳосил шахриёрлар билан бирга [Соғарж]да шаҳодат даражасига етди<sup>104</sup>.

Ва ҳазрат махдумий [Ҳасанхожа Нисорий] бу даҳшатли воқеани эшитиб, изтироб изҳор қилдилар ва афсуслик кўз ёшларини юзларидан оқиздилар. Аммо, келган қазо ишига ризолик билдириб, ушбу байтни тақрорладилар.

**Байт:**

Ҳар неку бадий ки дар шумор аст  
Чун дар нигарй салоҳи кор аст.

**Мазмуни:**

Қазову қадардан етса гар яхши, гар ёмон,  
Ҳар қайсига бордир бир ҳикмат, бил бегумон.

Бу шахзода танилган хуштабълардан ва нодир сўз дегувчи машхурлардан эди. Мана бу “шабнам” радифли ғазал ул шахриёрнинг дуру-гавҳар сочувчи гуфторидандир.

<sup>103</sup> 998 йил - 1589 йил 10 ноябр - 1590 йил 29 октябр ораллиғи.

<sup>104</sup> Мутрибий 1594 йили рўй берган бу воқеани “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”да батафсил баён қилган.

**Ғазал:**

Сахаргах рехт сад гуҳар ба тарфи бустон шабнам,  
Мурассаъ гашт жоми бодаи гулбарг аз он шабнам.  
Зи мужгон оби чашмам пеши рует дур шуд, оре,  
Ба пеши офтоб аз сабза мегардад ниҳон шабнам.  
Ба қадди шохиди гул рост омад хилъати хубий,  
Бар он хилъат шуда чун тукмаҳойи зар нишон шабнам.  
Шабе набуд ки аз ҳижрони он зулфи шаб осоят,  
Насозам дидахойи хешро, эй маҳ, равон, шабнам.  
Баройи нард бозии бутон шуд дар ҳарими боғ  
Гули садбарг тосу каъбатайни зар нишон шабнам.  
Сиришк аз дида мерезад зи рашки мох рухсорат  
На бар болон гул зоҳир шуд, эй сарви равон, шабнам.  
Гули садбарг чун жоми шароби арғувоний буд  
Хубобе чанд шуд бо он шароби арғувон шабнам.  
Нахоҳад монд аз боди хазон гулҳоят а-р, бошад  
Ба фарқаш миҳхойи оҳанин, эй боғбон, шабнам.  
Нависад то дар авсофи руҳат шеъри Раҳимийро  
Аз он ру қарда дафтархойи гулро зарафшон шабнам.

**Мазмуни:**

Сахаргоҳ тўқди минг гавҳар бустон тарафга шабнам,  
Мурассаъ қилди гулбарг бодаси жомини ул шабнам.  
Киприклардан узоклашди кўз ёшим юзинг олдида, ха,  
Офтоб олдида майсалардан бўлур-да, пинҳон шабнам.  
Гул шохиди қаддига тўғри келди гўзаллик либоси, ул  
Либосга бўлмиш зар нишонли тугмалардек садаф шабнам.  
Бирон тун йўқ эди, ул тундек қора зулфинг ҳижронидан,  
Қилмасам ўз кўзларимдан, эй ой, равон неча сувли шабнам.  
Боғ ҳарамиде санамларнинг нард ўйини учун бўлди-ку,  
Садбарг гули тосу зар нишонли каъбатайни эса шабнам.  
Ёшлар тўқилар кўздан, ой юзинг рашкида-ю гул юзида,  
Пайдо бўлган ўша ёшлар, эй сарви равон, эмас шабнам.  
Садбарг гули шароб жомидек арғувоний бўлган эди,  
Бир неча пуфак бўлди ул қизил шароб билан шабнам.  
Қолмагуси хазон шамолидан гулларинг агар, бўлғай,  
Бошида темир миҳлар, эй боғбон, ул ялтироқ шабнам.  
Ёзсин деб, юзинг васфида Раҳимий ўз шеърларини,  
Шундан гул дафтарларини қилмиш зарафшон шабнам.<sup>105</sup>

<sup>105</sup> Яна қаранг: Бекжонов И. Шаҳид кетган Раҳимий // ЎзАС. 1992. № 40.



Ҳофиз Абдуллоҳ Балхӣ фақирингизга шундай деган эди: “Мазкур шахзоданинг таъбида нозиклик ва покизалик шу даража каттиқ таъқиқлар ва умуман, бу тўғридаги гапларни эшитса, ниҳоятда ижирғанарди. Бир куни дўстларимдан бирининг боғига борган эдим ва қайтаётган пайтимда яхшиликда гўё Самарқанд хублакузининг тансиқ меваси сифатида кўйнимга солиб, шаҳар сари олиб келаётган эдим. Туйкусдан, йўлда мазкур шахзода билан тўқнаш келиб қолдим. Шаҳзода: Кўйнингдаги нима? – деб сўради. Ёлғон гапиришга улгура олмай, бор нарса ҳақида тўғриси айтишга мажбур бўлдим.

– Қани, чиқар! – деб буюрдилар. Чиқариб кўрсатсам, нурли назарларига манзур ва кўзларига яхши кўриниб, олмаларни битта-битта териб олиб, кўйнига солдилар. Аммо озгина йўл юргач, тақовар отининг жиловини тортиб, тўхтаб қолдилар. Нима гаплигини билиш учун яқинроқ бордим. Султон менга қараб: “Олмаларни қаердан олгансан ўзи?” дея сўрадилар. Олмаларим кўлдан кетганига ичим ачишиб қолган эмасми, фурсатдан фойдаланиб, бир бахона билан уларни қайтариб олиш пайига тушдим ва:

– Эй подшоҳим, билсангиз, камина ўлик ювғучи бир ғассолман. Шу маҳаллада бир одам вафот этган эди. Ўшани ювиб кафанладим. Камбағал экан бечора, пул топмай, иш ҳақим эвазига шу олмаларни беришди, – дедим.

Шахзоданинг авзойи ўзгариб, тутоқиб кетди ва мени ярамас сўзлар билан ҳақорат қилишга тушди ҳамда олмаларни кўйнидан чиқариб, ерга улоқтира бошлади ва ҳатто, тўни билан кўйлагини ҳам ечиб ташлаб, эгнига янғисини кийиб олди<sup>106</sup>.

<sup>106</sup> Мутрибий “Нусхайи зебони Жаҳонгир”да бу ҳикояни Самарқандда яшаган устози Ҳофиз Муҳаммад Бухорий билан “Девона Султон” лақабли телбанамо Худойберди Султон бин Абу Саидхон бин Қўчқунчиҳон ўртасида Самарқанднинг Мазохин маҳалласида рўй берган воқеа сифатида тасвирлайди. Кўринадикки, бу воқеий ҳикояни ўз таъкирасига киритишни жуда хоҳлаган муаллиф уни “Тазкират уш-шуаро”да айрим сабабларга кўра Девона Султонга нисбат бера олмай, Самарқандга сира келмаган Раҳимийга нисбат берган. Шундан 21 йил ўтиб эса ҳақиқатни айтишга имкон топган Мутрибий энди воқеани Худойберди Султонга нисбат бераркан, шу сабабли “Нусхайи зебони Жаҳонгир”нинг Раҳимийга ажратилган бўлимида бу ҳикояни сира ҳам эслатмайди. Қаранг: И.Бекчанов. Мутрибий тазкиралари муҳим адабий манба. – Тошкент: Muntoz so'z. 2009.Б.: 103 – 108.

## Олийжаноб шахзода МУҲАММАД ҲОШИМ СУЛТОН бин ТЕМУРХОН ҲИСОРИЙнинг чиройли васфи ва гўзал зикри

Ҳисор вилоятининг фазилатшиор подшоҳларидан эди. Шеърни обдон синовдан ўтказиб ва меъёрига сгказиб айтарди. Доимо фазилатлар касб этишга тиришарди. Мазкур вилоятда рўй берган ҳодисалар чоғи мағфиратли хоқон Абдуллоҳхон ҳукмига биноан шахидлик шарбатини татиди. Ва бу икки байт ул шахриёрнинг гуфторидандир.

### Назм:

Ба як дидан чу сад бечораро шайдо тавонад кард,  
Ажаб, гар созгори бо ман, расво тавонад кард.  
Ба хангоми тағофил сайди хешам кард он бадхў,  
Маҳол аст инки дигар тарки истиғно тавонад кард.

### Мазмуни:

Бир кўришда юз бечорани шайдо қила олгуси,  
Яхши бўлсак икков, орани расво қила олгуси.  
Ғафлат чоғи овлади ўзлим ул бад қилиқли ёр,  
Ўйласам, мушкулким тарки истиғно қила олгуси.

Айтишларича, мазкур шахзода ниҳоятда шоирдўст ва фузалопарвар бўлиб, ҳамиша олий даражали ҳимматини алар кўнглини олмокқа йўналтирар ва хасислар суҳбати ҳамда иноятсиз ва омий сифатли одамлар мулоқотидан ўта суратда тийинар, ҳатто омийлик сифатига эга ва хат-савод лаззатидан бебахра амирларга кўпам илтифот кўрсатавермас, аксинча, соҳиби фазл амирларини эса бениҳоят даражада дўст тутар ва уларга риоятлар кўргузар экан. Ва кўпинча ушбу китъани ўқиб, роса завқ оларкан.

### Қитъа:

Пири хирад зи рўйи насихат бигуфт душ,  
Ҳарфе ки назди мардуми доно муқаррар аст:  
Ҳаргиз ту эҳтиёж мабар пеши омие,  
Омий агар ба мартаба зи афлок бартар аст.  
Омий агарчи қутб бувад, мўътақид мабош,  
Омий хар аст ва мўътақидаш камтар аз хар аст.

### Мазмуни:

Кеча насихат ила деди ақлда доно пир  
Эмас донолар олдида пинҳону ҳеч сир:



Эҳтиёж юзин тутма сен ҳеч қачон оми томон,  
Гар бўлса у мансабда гўё фалак, авжи осмон.  
Оми гар бўлсин сўфилар кутби, қилма эътимод,  
Оми эшакдур, эшакдан ҳам кам анга этган эътиқод.

Шоирлар устоди Ибни Ямин шу маънода мана бу китъани не-  
чоғлик яхши айтган.

**Китъа:**

Агар ба жомаи азрак касе шўдй сўфий,  
Тағори нил бўдй шайх Аҳмад Жомий<sup>107</sup>.  
Ва гар ба руйи турш кори зухд гаштй рост,  
Кадуйи сирка бўдй Боязид Бастомий.  
Агар ба рақс ва ба бозй касе шудй ориф,  
Имоми шаҳр бўдй хирс дар наку номий.  
Саге ки тар шавад аз бавл, поктар бошад  
Аз он касе ки кунад ихтилот бо омий.

**Мазмуни:**

Зангори либос кийган билан бўлсайди биров сўфий,  
Тоғорадаги нилий рангга дўнарди шайх Аҳмад Жомий.  
Юз буриштириш бўлса зоҳидлик ишидан нишон,  
Қовок идиш тўла сирка бўларди Боязид Бастомий<sup>108</sup>.  
Рақс тушмоғу ўйин<sup>109</sup> ила бўлсайди агар киши ориф  
Яхши ном чиқармасмиди айик, бўлиб шаҳар имоми.  
Сийдикка булғанган ит покрокдир, билгил, эй азиз,  
Ул кишидан ким, эрур анга ҳамсуҳбат гар оми!

**Олиймакон шаҳзода НАДР МУҲАММАД СУЛТОН бин  
ТАНИМ СУЛТОН бин ЖОНИЙХОНнинг  
чиройли васфи ва гўзал зикри**

Сулаймон маконли ҳазрати хоқон Боқий Муҳаммад  
Баходирхоннинг акаси [Динмуҳаммадхон]нинг ўғлидир.

Кичик ёшда эрса-да, соғлом табъи улуглик ва шавкат дебочаси-  
нинг матлаъси ва ўткир зеҳни фазлу камол қасидаси байтидир.

<sup>107</sup> XIV–XV асрда Хуросоннинг Жом шаҳрида яшаган машҳур тасаввуф олими Аҳмад  
Зидафил кўзда тутилмоқда.

<sup>108</sup> Хуросонлик тасаввуф олими Боязид Бастомий кўзда тутилмоқда.

<sup>109</sup> Сўфийликдаги баъзи тариқат аҳлининг хонақоҳларда рақсу самоъ (зикр тушиш)га  
ишора.

Султонлик ва жаҳонбонлик мартабасига қарамай, ёгдули кўнглини  
сухандонлик юртларини ҳам эгалламоққа йўналтириб, доимо яра-  
шиқли ўтиришларини олимлар ва фозиллар йиғинига айлантиради.

Ва бу мазали ва нафис чиққан байтни ул салтанатпаноҳга нис-  
бат берадилар.

**Байт:**

Ченон зи синаи сўзон ҳаме кашидам ох  
Ки, барқхон фалак аз шарори охам суҳт.

**Мазмуни:**

Ёнган кўксимдан чекардим мен шундайин оҳким,  
Кўк яшинин алангалатди, сачратиб учкун ул оҳим.

Ушбу бир минг ўн учинчи [1013] йили<sup>110</sup> Насаф вилоятининг  
хукумати ва бошқарув дастгоҳи ул тенгсиз шаҳзодага тааллуқ  
топгандир.

Умидимиз шулким, фасохат чамани ва сўзамоллик анжумани  
ул султоннинг гавҳар сочувчи дурга тўла табъи булуту томчила-  
ридан кўп йиллар ва чексиз асрлар ям-яшил ва хурраму обод  
турғай ва фазл аҳлининг кўнгли анинг эҳсон дастурхонидаги тўкин-  
сочин неъматлардан манфаатларга тўлғай. *Омин ё раббил оламин.*

<sup>110</sup> 1013 йил – 1604 йил 30 май – 1605 йил 18 май оралиғи.



**АЛИФБО ҲАРФЛАРИ БЎЛИМИ ШЕЪРДАГИ  
ТАХАЛЛУСЛАРИ ЎША ҲАРФ БИЛАН БОШЛАНУВЧИ ШОИР  
ВА ФОЗИЛЛАР ЗИКРИДАДИР ВА БУ ҲАҚДА ЮҚОРИДА  
АЙТИБ ЎТИЛДИ. АЛЛОҲ МУВАФФАҚ АЙЛАСИН**

**“Алиф” الف (а, о, и, у) ҳарфи. Бу Ҳарф  
уч Нуктадан иборат**

Биринчи Нукта шариф тахаллуслари шу ҳарф билан бошланувчи ва муаллиф уларни кўрган ҳамда шариф хизматлари бахтини топиб, аларнинг жавҳар тўла манзумлари тизимини “тўё ёқут ва маржондек<sup>111</sup>” бевосита жон қулогининг исирғаси ва нотавон тангарданбанди қилган фозиллар зикридадир.

**Шоирларнинг аввалгиларидан, афзалларидан,  
қадимгиларидан**

**АМИНИЙ** олийҳазрат, қудсий манзилат, валийлик осмонининг кутби, йўлбошчилик доирасининг маркази Хожа Калонхожа номи билан танилган ҳазрат Абу Муҳаммад Даҳбедийнинг тахаллусидир – *сирлари муқаддас бўлсин*. Алар ҳазратлари субҳоний рамзлар воқифи, илоҳий ганжиналар очқучиси Маҳдумий мавлоно Хожагӣ Косонийнинг – *Аллоҳ сирларини муқаддас тутсин* – шарофатли ўғлидирлар. Оталари етуклиги васфи ва шавкати мақтовни эса куёшдек равшан ва таърифга муҳтож эмасдир.

**Байт:**

Васфи туро гар кунанд в-ар нақунанд аҳли фазл,  
Ҳожати машшота нест руйи дилоромро.

**Мазмуни:**

Шоирлар васфин қилса, қилмаса ҳам,  
Дилором юзига ҳожат эмасдир безак.

Ва алар ҳазратларига бузруквор оталаридан тўла рухсат ҳосил бўлгач, қабул назарини тангри назарида манзур ҳазрат хожа Жўйборий Бухорий<sup>112</sup> дан – *сирлари муқаддас бўлсин* – топганлар.

<sup>111</sup> Қуръони карим, 55-сура, 58-оятдан.

<sup>112</sup> Хожа Муҳаммад Исом Жўйборий (в. 1563) кўзда тутилмоқда.

Ҳазрат Хожа Жўйборий эса Маҳдуми Аъзамнинг катта ноибларидан бири ҳисобланади ва Хожа Жўйборийнинг “Хожагон олтин занжири”га – *Аллоҳ руҳларини муқаддас тутсин* – уланиш йўли алар ҳазратлари мақомоти ва кашфи каромоти шарҳида жаноб тақаллаб мавлоно Муҳаммад Саид Хужрадор томонидан битилган *Жумарот* номи китобда ёзилиб, муфассал баён этилгандирким, бу ҳақда бишмак истаганлар мазкур асарни мутолаа этсалар, айни муддао бўлади. Ўзиям қандай китоб денг, қандай китоб! Шундай бир китобким, нафис нафаслари насими тароватидан мухлислар руҳи равоғига “роҳат-фароғат, гўзал ризқ ва ноз-неъматли жаннат<sup>113</sup>” нинг роҳатбахш хушхабарни етади, чиройли маънолари булутининг томчиларидан ташна жонлар оғзига баракот катралари томади.

**Шеър:**

Маониҳи зав уш-шамси, аммо саводиҳу,  
Фалайлун муғашшан бин-нужуми ва завоҳири.

**Мазмуни:**

Маънолари куёш нуридир, битиклари эса,  
Чароғон юлдузлар ила ўралган туннинг ўзи.

Ҳар ҳолда кўлингиздаги ушбу китобнинг мазкур бўлими алар ҳазратларининг дур сочувчи ашъори зикрида бўлгани учун уларни келтирмоқдан ўткир тилли қаламни қантариб қўйилди.

Ва ҳазрати эшон олий мақомот ва юксак каромот соҳибидирлар. Кўпгина толиблар аларнинг эҳтиёжни қондирувчи олий химмати шарофати туфайли мазиллат (тубанлик) ва жаҳолат ботқоғидан иззат ва каромат авжига кўтарилганлар.

Бу камина кичик ёшда пайтим *Фавоиди Зиёия*<sup>114</sup> дарсига олам аҳли маҳдумзодаси ҳазрат хожа Ҳошим – *Аллоҳи таолонинг саломи бўлсин* – билан бирга қатнардик. Шу сабабли гоҳида ўтилган сабоқни такрорлаш ва иборатларни тўғрилатиш учун аларнинг Булбулак ховузи бўйида жойлашган шариф уйларига келиб турардим. Бир куни сабоғимиз устидаги тортишув асносида ҳазрат биби Фотимага – *Аллоҳ у кишидан рози ва оталарига салому саловотлар бўлсин* – мансуб ва ҳазрат пайгамбар марсиясида айтган ушбу байти тилга олинди.

<sup>113</sup> Қуръони карим, Воқеъа (56) сураси, 89-оят.

<sup>114</sup> Абдурахмон Жомийнинг араб тилини ўрганиш бўйича ўгли Зиёиддин Юсуфга атаб ёзган “Ал-фавоид уз-Зиёия” номи китоби кўзда тутилмоқда. Жомийнинг бу асари Ибн Ҳожибнинг “Кофия” китобига шарҳ бўлиб, кўп асрлар мобайнида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиб келинган.